БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 25 сентябрь Сешанба
№ 182 (13.618).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Шу сонга телеграмма

Режани уддаладик

Жамоамиз саккиз иш кунида давлатга «оқ олтин» сотиш режасини уддалади. Мавжуд 70 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 161 тонна пахта топширдик. Барча ҳосил машиналар ёрдамида териб олинди ва биринчи навларга топширилди.

Бу муваффақиятга машинада Эргаш Сирлибоев 60 тонна, Қаҳҳор Маманазаров 65 тонна, Холйигит Қубаев 36 тоннадан пахта териб, ўзларининг самарали улушларини қўшдилар. Ютуғимизда сувчиларимиздан Фарҳод Содиқов, Шавкат Мирзабеков, Бектемир Қурбонов, Очил Давировларнинг ҳам хизматлари катта бўлди.

М. НУРАЛИЕВ,
Жиззах вилояти Октябрь ноҳияси Ф. Хўжаев номли давлат хўжалигига қарашли уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Авиация Маршали И. Н. Кожедуб номидаги комсомол-ёшлар жамоаси.

ҚАДАМИНГ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, МЕҲРЖОН!

22-23 сентябрь кунлари пойтахтнинг Максим Горький номидаги болалар маданият ва истироҳат боғида Меҳржон («Она-ер саховати») театрлаштирилган байрам сайли бўлиб ўтди.

— Меҳржон байрами буюк алломе Беруний даврида ҳам нишонланган, — дейди жумҳурият Маданият вазирлигининг илмий-методик маркази раҳбари ўринбосари Ўткир Тоҳиров. — Беруний фикрига асослансак, Наврўз билан Меҳржон заминнинг икки кўзидир.

Она ер, Деҳқон бобо, Меҳржон — учовлон бир бўлиб, байрамга ташриф буюрганларни қутлашади. Ноҳия, вилоят ва жумҳурият дасталари эса даврага файз киритади.

Она ер саховатини ёйди, Деҳқон бобо пешона тери эвазига етиштирилган мўл-кўл дала неъматларини кўз-кўз қилди. Меҳржон эса одамларга меҳр-шафқат тилади.

Тошкент вилоятининг 11 ноҳиясидан 26 жамоа хўжалиги шаҳарликларга мева-чева улашди.

— Байрамга 1200 килограмм узум олиб келдик, — дейди Оҳангарон ноҳиясидаги Серго давлат хўжалиги фирқа қўмитаси котиби Абдуманноп Хўжаёров.

Хўжалик аҳллари неъматларининг бир қисмини Меҳр-шафқат ва Садоқат фондига ўтқаздилар. Ушбу тортиқ ногиронлар, бева-бечораларга, етим-есирларга берилади.

Байрамларимиз қаторига яна бир шодиёна қўшилди. Иншоолло, у анъанага айлангуси.

Муҳаммад АМИН.







СУРАТЛАРДА: Меҳржон байрамидан лавҳалар.
МУАЛЛИФ суратлари.

СССР ПРЕЗИДЕНТИ ДИН АРБОБЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

СССР Президенти М. С. Горбачев Кремлда буюк муҳаддис ва мутафаккир ат-Термизийнинг маънавий меросига бағишлаб Тошкентда ўтказилган ва яқинда ўз ишини туғаллаган Ислом анжуманида қатнашган бир гуруҳ таниқли мусулмон арбобларини қабул қилди.

СССР Президенти халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш иши учун диний анжуманнинг муҳим аҳамиятини таъкидлаб, Ислом дунёсида энг табаррук олимлардан бирининг ғоялари орадан 1200 йил ўтгандан кейин, ҳозирги кунда ҳам замонамизнинг маънавий-ахлоқий муаммоларини ҳал этишда зўр аҳамият касб этмоқда. Бу ғоялар одамларга адолат, эзгулик ва меҳр-муҳаббат туйғуларини бахш этмоқда, деди.

СССРдаги қайта қуришнинг ҳозирги дунёда рўй бераётган жараёнларга таъсири ҳақида, умумбашарий қадриятлар ғояларини рўёбга чиқаришда, шу жумладан Яқин Шарқда, хусусан Форс кўрфази теварагида тинчликка эришишда ислом динининг роли тўғрисида қизғин суҳбат бўлди. СССР Президенти Ислом анжуманининг қатнашчилари ўз юртларига қайтиб бориб, вужудга келган можароли вазиятларни ҳал этиш, минтақада тинчлик ва осойишталикка эришиш йўлларини излашда мусулмонлар дунёсига ёрдам бериш учун бор куч-ғайратларини сарфлайдилар, деб ишонч билдирди.

Учрашувда Саудия Арабистони зиёратчилар ва вақф ишлари вазири Ваҳоб Абдил Васиа, Яман араб жумҳуриятининг олий муфтиси А. Забара, Тунис президентининг маслаҳатчиси К. Салоҳиддин, Ўрта Осиё мусулмонлари муфтиси Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, бошқа дин арбоблари, шунингдек СССР Президентлик Кенгашининг аъзоси Ч. Т. Айтматов қатнашдилар.

(ТАСС).

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ Вазирлар Кенгаши жамоатчиликнинг ўзбек театр санъатининг атоқли арбоби, СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги истакларини ҳисобга олиб ва у туғилган куннинг 90 йиллиги муносабати билан «Ёш гвардия» ўзбек драма театрига СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов номини бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Энди бу театр Аброр Ҳидоятов номли ўзбек драма театри деб аталади.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ Вазирлар Кенгаши А. Н. Островский номли Тошкент Давлат театр-рассомчилик институти профессор-ўқитувчилари, бадиий зиёлилар, жамоатчилик вакилларининг Ўзбекистон миллий санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган театр санъатининг атоқли арбоби Маннон Уйғур хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги истакларини эътиборга олиб, А. Н. Островский номли Тошкент Давлат театр-рассомчилик институти номини ўзгартириш, уни Маннон Уйғур номли Тошкент Давлат институти деб аташ тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига делегатлар кўрсатилмоқда

Пленум бўлиб ўтди

Боғот ноҳия комсомол қўмитасининг IV пленуми бўлиб ўтди. Пленумда «Ноҳия ёшларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда комсомол ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар ва навбатдаги вазифалар тўғрисида» ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Ўктамбой Рўзиев маъруза қилди.

Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига делегатлар сайлаш, Ўзбекистон ЛКЁИнинг раҳбар органларига номзодлар кўрсатиш пленум кун тартибидаги асосий масалалар бўлди. Ноҳиядан беш киши: Наримонов номли жамоа хўжалиги мўйна цехи мудири Мақсуд Аҳмедов, Боғот тўқимачилик фабрикаси мастер ёрдамчиси Тозабой Раззоқов, ноҳиядаги 97-сон мактаб-интернат ўқитувчиси Гулнора Искандарова, ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Ўктамбой Рўзиев ҳамда «Ёш ленинчи» рўзномасининг муҳаррири Жаббор Раззоқовлар Ўзбекистон ЛКЁИ XXIV съездига делегат этиб сайландилар.

Майлибой ҚУРЕЗОВ,
Боғот ноҳия комсомол қўмитасининг котиби.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК — ИЖТИМОИЙ ИЛЛАТ

КПСС XXVIII съездида гарчи миллатлараро муносабатларда кейинги йилларда рўй берган низоларни бартараф этиш тўғрисида махсус сиёсий ҳужжат қабул қилинмаган бўлса ҳам унинг умумий йўналиши, сўзга чиққан вакилларнинг нутқларида бу долзарб масалани умуминсоний ва байналмилаллик нуқтаи назаридан тезроқ ҳал этиш асосида жумҳуриятларда, вилоятларда, ноҳияларда ва қолаверса, Иттифоқда осойишталик, тартиб-интизом қаттиқ ўрнатилиши ҳақида куйиниб гапирдилар. Бу бежиз эмас, албатта.

Чунки Иттифоқимизнинг турли бурчакларида миллатлар ўртасида пайдо бўлган низолар, тўқнашувлар, тортишувлар, жанжаллар бегуноҳ одамларнинг нобуд бўлишига, айрим халқларнинг, элатларнинг хонавайрон, сарсону саргардон бўлиб, дарбадар ҳаёт кечириш даражасигача олиб келди.

Ҳар бир миллат катта-кичиклигига қарамай ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги ленинча принцип жорий этилмас экан, ижтимоий адолат асосида бу сиёсий аҳамиятга молик бўлган мазкур масала ҳал бўлмас экан, миллатлар ўртасидаги тўқнашувлар, жанжаллар давом этаверади. Шунинг учун ҳам миллатлар, халқлар, элатлар ҳаётида ҳал этилмаган муаммоларни тезроқ ижтимоий адолат принциплари асосида бартараф этишга бағишланган қатъий қарор қабул қилиниб, турмушга тадбиқ этилса, шунчалик ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги тангликдан чиқиш учун замин ҳозирлаган бўламиз.

Маҳаллийчилик миллатчиликнинг бир кўриниши бўлиб, ленинча ижтимоий адолат принципига тамоман зиддир.

КПСС Бутуниттифоқ XIX конференциясида қабул қилинган «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги резолюциясида таъкидлаб ўтилганидек, шахсга сиғиниш ва турғунлик йиллари «Миллий худбинлик ва кибр-ҳаво, тайёрга айёрлик кайфиятлари ва маҳаллийчилик фактлари содир» бўлишига олиб келди.

Маҳаллийчилик марксизм-ленинизм ғояларига, йўқсиллар таълимотига тамоман ёт мафкура бўлиб, ижтимоий гуруҳларни бирлаштириш миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ва такомиллаштиришни эмас, балки миллий маҳдудланишга, миллий худбинликка олиб келади. Бундай социалистик мафкурага зид ғояларни халқ оммаси ўртасида тарқатувчи ва унга раҳнамолик қилувчилар маънавий қашшоқ, сиёсий онги яхши шаклланмаган, савияси паст, онги қолоқ, дунёқараши тор шахслар бўлиб, улар йўқсиллар байналмилаллиги принципларига рахна солишга уринадилар ва шахсий манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўядилар.

Бундай тоифадаги шахслар шаҳарчилик, қишлоқдошлик, туғишган ерлилар, уруғ-аймоқ, ошна-оғайнигарчиликка кенг йўл очиб бериб, вилоят, шаҳар, ноҳия, жамоа, давлат хўжаликлари, завод ва фабрикаларда гуруҳбозлик ва тарафкашликни, ғаразгўйликни авж олдирадилар, ҳақиқатни «фақат ўзим айтаман» қабилида иш тутиб, социалистик адолат принципларини менсимай иш тутадилар.

Аммо миллийлик билан маҳаллийчиликни бир-биридан фарқ қила билиш лозим. Чунки миллийлик деганда биринчи навбатда ҳар бир халқнинг тили, урф-одати, маданияти, анъанаси, яшаш тарзи, феъл-атвори кабиларни тушуниш лозим. Агар юқоридаги ҳолатлар бирор бир халқда муштарак бўлмаса, у вақтда унда миллийлик намоён бўлмайди ва бундай ҳолатда моддий ва маънавий бойликлар ҳам ярата ололмайди. Иқтидорли ёзувчи Одил Ёқубовнинг «миллий руҳ деганда, ҳаёт ҳақиқатини тушунаман», — деб ёзиши фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Маҳаллийчилик эса маълум ҳудудда туғилиб фаолият кўрсатаётган уруғ-аймоқ, ошна-оғайнилар, шахсий садоқатга берилган одамлар, ижтимоий гуруҳлар уюшмаси бўлиб ҳисобланади. Бундай ижтимоий гуруҳлар муайян меҳнат жамоаларида ўрнашиб олгандан кейин социалистик умуминсоний манфаатларини ҳимоя қилиш, уни равнақ топтириш ўрнига тор доирадаги гуруҳларнинг манфаатларини устун қўядилар ва шу йўллар орқали гуруҳбозликни, фирибгарликни, порахўрликни авж олдиришга замин ҳозирлайдилар.

Турғунлик йилларида авж олган салбий ҳолатлардан бири маҳаллийчилик бўлиб, у жумҳурият, вилоят, шаҳар ва қолаверса мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий ва маданий равнақига зиён келтирди, одамлар, миллатлар ўртасида ҳамжиҳатликни, ҳамкорликни эмас, балки худбинлик, шахсий манфаатпарастликка олиб келди. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида кўрсатиб ўтилганидек, «Партия, совет ва хўжалик раҳбарларининг бир қисми порахўр бўлиб чиққани, ошна-оғайнигарчилик ва таниш-билишчилик кенг тарқалиб, ижтимоий адолат принциплари қўпол тарзда бузилганлиги фактини эътироф этмасдан иложимиз йўқ».

Маҳаллийчилик бюрократизм билан бевосита чамбарчас боғлиқдир. Чунки қайси бир ташкилотда маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик, мадҳиябозлик авж олса, чуқур илдиз отса, ўша ерда бюрократизм ҳукмронлик қилади. Бундай тоифада фаолият кўрсатиб келаётган ташкилотларда, корхоналарда у ёки бу масалани меҳнат жамоаси ўртасида муҳокама қилишдан олдин раҳбар ходимлар ўз ҳомийлари билан келишиб олади. Меҳнат жамоаси ўртасида муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан биринчи бўлиб сўзга чиқадилар ва «катта» билан келишиб қўйилган муаммолар ҳақида худди тўтиқушдай такрорлаб, жамоатчилик фикрини вужудга келтириш учун замин ҳозирлайдилар. Минг афсуски, бундай олдиндан режалаб қўйилган масалалар бошлиқнинг ҳомийлари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Бундай нопок, ножўя, қинғир ишлар, албатта, бир кун эмас, бир кун ошкор бўлиши муқаррар. Чунки бу ижтимоий ҳаётнинг, кишилик жамиятининг объектив қонунидир. Шунинг учун ҳам ножўя қилинган хатти-ҳаракатлар учун ҳар бир нопок шахс, албатта, табиий зарбага дучор бўлиши шубҳасиз. Бу тарих ҳукми. Бунга Иттифоқимиз ва жумҳуриятимиз миқёсида энг юқори лавозимда ишлаган айрим фирқа, шўро ходимларининг маҳаллийчилик ва ошна-оғайнигарчиликка кенг йўл очиб беришлари туфайли вақтинчалик дабдабали ҳаёт кечирганликлари ва оқибатда халқ, тарих лаънатларига гирифтор бўлишини мисол тариқасида келтириш кифоядир.

Турғунлик йилларида маҳаллийчилик принципи асосида фаолият кўрсатган ижтимоий гуруҳлар, зодогонлар танқиддан панада бўлишлари туфайли жумҳуриятимизнинг айрим шаҳар ва вилоятларида шахсиятпарастлик, порахўрлик, бойлик орттириш, манманлик каби ҳирслар авж олиб кетди. Карахтлик йилларида Самарқанднинг айрим собиқ раҳбарлари вилоятда, ноҳияларда маҳаллийчиликни, ошна-оғайнигарчиликни авж олдириб, турли соҳаларни бошқариш лавозимларига фақатгина Жиззахда, Нарпайда ва Булунғурда туғилиб вояга етган шахсларни тайинлашди. Раҳбарлик курсисида ўтириб олган маҳалладошлар, ошна-оғайнилар, орқаларида катта таянч борлигини эътиборга олиб, конкрет меҳнат жамоаларида кадрларни фақатгина шахсий, садоқатига қараб жой-жойига қўйиб чиқишди, «ўзим хон, ўзим бек» қабилида иш тутдилар ва истаган режаларини амалга оширдилар. Иш шу даражага бориб етдики, ҳатто шаҳар ва ноҳия миқёсидаги тармоқларни бошқарадиган лавозимлар фирқа ва шўро раҳбар ходимлари ўртасида тақсимланиб олинди. Шунинг учун ҳам турғунлик йилларида Самарқандга турли лавозимларга кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда уруғдошлар, маҳалладошлар ўртасида «ким кимдан ўзар» мусобақаси кенг авж олиб кетди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг X пленумида Самарқанд вилоятининг собиқ раҳбарлари кадрларни танлашда принципсизлик сиёсатини юргизганлиги, ижтимоий адолат принципи бузилганлиги, фирқа ишини барбод этилганлиги кескин танқид қилинганди.

Бундай ижтимоий касаллик ўша йилларда фақат Самарқандга хос бўлмасдан, балки жумҳуриятимизнинг бошқа ноҳия, шаҳар ва вилоятларига ҳам тааллуқли салбий ижтимоий ҳолатдир. Фарғонада бўлиб ўтган фожиа экстремистик гуруҳларнинг турк-месхетиларга нисбатан қилган маҳаллийчилик, шовинистик хатти-ҳаракатлари бунга яққол мисол бўла олади. 1989 йил 20 июлида бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг навбатдаги Бюро мажлисида таъкидлаб ўтилганидек, Фарғона вилоятида бир қанча йиллар давомида кўпгина масъул лавозимларга қариндош-уруғчилигига, дўст-тона муносабатларига, шахсий садоқатига қараб одамлар тайинланган. Ўз обрўсини тўккан ва ишни барбод қилган раҳбарларга ҳамиша ҳам қатъий фирқавий баҳо берилмади. Кадрлар сиёсатидаги принципсизлик бир-бирини қўллаб-қувватлашни, ҳамма нарсага йўл қўйиб беришни келтириб чиқарди, бундай йўл билан кўтарилган кадрларнинг маънавий таназзулига олиб келди. Қува мебель комбинатининг собиқ директори М. Улинов йигирма йил ҳукмронлик қилган пайтида КПСС сафига қабул қилинган кишиларнинг ҳар еттитасидан бири унинг қариндоши бўлган.

Агар ҳар бир фирқа ва шўро ходимлари, корхона директорлари, жамоа ва давлат хўжалиги бошлиқлари, билим даргоҳларининг раҳбарлари фақатгина маҳалладошларини, уруғ-аймоқларини, ошна-оғайниларини турли лавозимларга тайинлайверсалар ёки сохта демократик сайлов ўтказиш орқали жойлаштираверсалар, унда у ёки бу ердан келиб ўтроқлашиб қолган бошқа миллат вакилларининг юқори малакали мутахассис кадрлари қаерда ишлашлари керак? — деган ҳақли савол туғилади.

В. И. Ленин Октябрь инқилоби ғалаба қилган биринчи кундан бошлаб ҳар бир соҳани етук, билимдон, сиёсий саводи яхши шаклланган кадрлар билан мустаҳкамлаш лозимлигини алоҳида уқтириб, кадр танлашда маҳаллийчиликка, ошна-оғайнигарчиликка кескин қарши кураш олиб борган. Кадрларни танлашда маҳаллийчилик ва ошна-оғайнигарчилик белгилари асосида иш олиб борган ходимларни социализм принципини бузган шахслар, деб қаттиқ қоралаган.

Бас шундай экан, ҳар бир раҳбар ходим ўз амалий фаолиятида социалистик йўқсиллар байналмилаллиги асосида иш тутиб, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда шахсий эътиқодига, маҳалладошлигига, уруғдошлигига қарамасдан, балки сиёсий томондан етуклигига, касб-кор маҳоратига, одамлар билан ишлаш қобилиятига, маънавий ахлоқий жиҳатдан баркамоллигига қараб турли лавозимларга тавсия этишлари ва ҳақиқий ошкоралик, демократик йўл орқали тайинлашлари лозим.

Энг ачинарлиси шундаки, бутун мамлакатимиз ҳаётини чуқур демократиялаштириш, маънавий покланиш бораётган ҳозирги пайтда ҳали ҳам айрим раҳбар ходимлар юқори органларда ишлаётган ўз одамлари, таниш-билишлари билан келишиб, турли мансабларга, лавозимларга касб-кор маҳорати етишмайдиган, билим савияси паст, сиёсий маданияти етарли даражада шаклланмаган маслакдошларини, ҳомийларини сохта демократик йўл орқали, яъни сайловда кўпчилик овоз олди, деган ниқоб остида тайинланмоқдалар.

Самарқанд олий ўқув юртларидан бирида кафедра мудирлиги лавозимига раҳбар ходимнинг ҳомийси сайловда кўпчилик овоз олиб ўтди. Кейинчалик маълум бўлишича, раҳбар ходимнинг ҳомийлари зимдан кенгаш аъзоларини қўлга олишлари туфайли кафедра мудирлигига даъвогар киши кўпчилик овоз олишга эришипти. Сохта демократия орқали кўпчилик овоз олишга эришган кафедра мудирининг билим савияси, илмий-педагогик маҳорати сиёсий билими, одамлар билан ишлаш тажрибаси ниҳоятда паст эканлиги иш жараёнида кейинчалик маълум бўлиб қолди.

Энг қизиғи шундаки, турли ташкилотларда фаолият кўрсатиб келаётган айрим раҳбар ходимларнинг бундай ошкораликка зид бўлган хатти-ҳаракатларини бошланғич фирқа ташкилотлари ва сиёсий раҳбарлик вазифасини бажараётган юқори фирқа, комсомол ва шўро органлари қоралаш, чек қўйиш ўрнига келишувчилик йўлини тутаётганликлари кишини таажжубда қолдирмоқда.

Айрим вақтларда талабалар ётоқхоналарида чиқиб турадиган турли хил рақобатлар, жанжаллар ҳам маҳаллийчилик, гуруҳбозлик заминида рўй бермоқда. Маълум вилоят, ноҳия ёки қишлоқдан ўқишга келган талабалар, битта ётоқхонада жойлашиб олгандан кейин ўзларини «энг кучли» ҳисоблаб, якка ҳолда яшаётган ёшларни ўзларига қарам қилиб оладилар. Бундай ҳолат ёшлар ўртасида коммунистик ахлоқ принципларига асосланган ҳақиқий дўстликни мустаҳкамлашни эмас, балки маҳалладошлик ғоясини янада чуқурлаштиради.

Бир мисол. Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунунида таълим олаётган сурхондарёлик ва қашқадарёлик талабалар ўзаро келишиб ётоқхонада пинҳоний равишда «Сурқаш» норасмий кичик уюшмани ташкил қилганлар. Унинг аъзолари ўзаро келишиб бошқа вилоятлардан келиб таълим олаётган ва ётоқхонада яшаётган талабаларни ўзларига итоаткор, қарам қилиб олганлар. Улар кейинчалик самарқандлик талабалар билан орани очиқ қилиш мақсадида ёқалашишга тайёргарлик кўришган. Бу воқеадан дорилфунун ректорати, фирқа ва комсомол қўмиталари хабардор бўлиб, тезда унинг олдини олишга муваффақ бўлдилар ва «Сурқаш»ни тарқатиб юбордилар.

В. И. Ленин «Ёшлар союзларининг вазифалари» номли рисоласида таъкидлаб ўтганидек, ҳар бир нарсага умуминсоний нуқтаи назардан қаралгандагина социализм моҳиятини тўғри тушуниш мумкин. Бас шундай экан, социализмда ҳар бир соҳага умуминсоний, умумхалқ нуқтаи назари билан ёндашиб, ижтимоий иллат кўринишлари бўлган шахсиятпарастлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчилик, худбинлик кабиларга муросасиз қарши кураш олиб бориш ҳар бир шўро кишисининг фуқаролик бурчи ҳисобланади.

Ҳозирги ошкоралик ва демократия чуқур илдиз отиб бораётган бир вақтда ижтимоий иллат ҳисобланган маҳаллийчиликка, миллий маҳдудликка қарши муросасиз кураш олиб бориш билан бирга, миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, уйғунлаштириш, барча миллат вакиллари кучларини бирлаштиришлари учун ҳамма имкониятларни, мафкуравий воситаларни сафарбар этиб, ленинча социалистик жамиятни тиклашимиз лозим. КПСС XXVIII съездида таъкидлаб ўтилганидек, фирқа ҳар қандай миллий маҳдудликни, маҳаллийчиликни, уюшмачиликни, маҳкамачиликни қатъиян рад этади.

Демак, социалистик жамиятни маънавий покланиш бораётган бир пайтда ижтимоий кўринишлари бўлган маҳаллийчиликни, уруғчиликни, ошна-оғайнигачиликни таг-томири билан қўпориб ташлаш ҳар бир соф виждонли кишининг фуқаролик бурчидир. Бунинг учун биринчи галда ҳар бир киши янгича мушоҳада қилиши, мамлакат сиёсий системасини ислоҳ қилиш жараёнида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда тўла ижтимоий адолат, социалистик демократик принциплари қарор топишини таъминлаши лозим. Шундагина биз социалистик жамият инқилобий асосда қайта қуришни жадаллаштириш, уни ҳар қандай ижтимоий иллатлардан тозалаб, марксча-ленинча мафкурага асосланган тўла маънодаги инсонпарвар социалистик маданий бошқарувни таъминлаш учун замин ҳозирлаймиз.

Ҳамид КАРИМОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунуни социализм назарияси кафедрасининг мудири, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

МУСТАҚИЛЛИК ОСТОНАСИДА

Кўп йиллар жумҳуриятимизнинг эмас, Иттифоқимизда ҳам халқнинг моддий фаровонлигини оширамиз деган шиорларга ҳеч ким ишонмай қўйган эди. Раҳбарларнинг кўпчилиги, ҳатто халқ хўжалиги мутахассислари ҳам иқтисодий фикрлаш ўрнига, қуруқ буйруқбозлик ва тарғибот-ташвиқот талаблари билан иш кўрганлиги туфайли бутун мамлакат иқтисоди издан чиқди. Фирибгар ва муттаҳамлар бойиб, заҳматкаш халқнинг кўпчилик қисми қашшоқлик ва фалокат ёқасига келиб қолди.

Ҳозирги пайтда жамиятимизда юз бераётган жараёнларни, уларнинг бир-бирига алоқадорлигини, қонуниятларини англамай туриб, маъмурий-буйруқбозлик тартиби бизни олиб кириб қўйган боши берк кўчадан чиқиб кетиш қийин. Иқтисод соҳасида бурилиш ясамай туриб халқ аҳволини яхшилаш мумкин эмас. Шундай тарихий бурилиш олдидан жумҳуриятимиз халқининг давлат тилида «Ҳаёт ва иқтисод» ойномасининг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Ойномамиз шу вақтгача, 70 йил давомида рус тилида чиқиб келган «Экономика и жизнь» нашри заминида ташкил этилди. Ўтганларни қоралаш одобдан эмас, лекин ҳақиқатни яшириш ундан ҳам ёмон. Ҳақиқий меҳнаткашлар қўлига етиб бормаган бу нашр саҳифаларида халқ орзу-армонлари, қувонч ва ташвишлари акс этмаганини айтиб ўтирмайлик. У ҳам ўша даврдаги бошқа матбуот нашрлари каби, сохта шиорларга, халқдан узилган тарғиботга дастёр эди. Унда ҳам ҳадеб совет кишиси «бахтли» эканлиги, «фаровон» яшаётганлиги, яқин орада жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Америкадан «ўзиб» кетишимиз, Коммунистик фирқа бизни «нурли чўққиларга» олиб бориши, меҳнатимиз, орзу-ниятларимиз «давримизнинг ақл-идроки, виждони ва ор-номуси — фирқага» бахшида этилиши ҳақида ёзиларди. Табиийки, бундай ёлғончилик халқнинг матбуотга бўлган меҳрини, ишончини йўқотди.

Иқтисодий қонунлар бузилган, амалдорлик курсиларига бўйсундирилган илм-фан мутлақо ғайри-илмий нарсаларни «илмий асослаб» турган бир вақтда ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Кўпгина номзодлик ва докторлик диссертациялари илм-фанга заррача фойда келтирмаса-да, бу «салмоқли» ишларнинг эгаларига жарақ-жарақ даромад келтирганлиги энди аниқ. Бирор истеъдодли ёш олим арзирлироқ илмий асар ёзиб қолса, раҳбарларни шерик қилмаса, илмий иши «хато» деб топилиб, ўзи ишдан ҳайдалиб кетиши одатдаги ҳол эди.

Сохта «илмий тафаккурнинг» бу қадар эркин нафас олганлигини эндиликда тасаввур қилиш қийин. Мен янги ойнома нашр этилишидан олдин тажриба ўрганиш мақсадида шу вақтгача чиқиб келган «Экономика и жизнь» тармоқ ойномасини сабот билан кўриб чиқдим. Уларни варақлар эkансиз, ўта «илмий» таърифлар ва формулаларга, мураккаб жадвалларга ва сон-саноқсиз статистик маълумотларга кўзингиз тушади. Шу сохта рақамлар ва жадвалларнинг ҳаммасида фалон ноҳия ёки вилоят фирқа ташкилоти раҳбарлигида нақадар катта ютуқларга эришилганлигини намойиш этдилар ва ана шу муваффақиятлар навбатдаги «доно» йўлбошчининг нутқидан олинган кўчирма — цитаталар билан тасдиқланади.

Халқ соғлиғини ўйламаган, виждонини ютган, имонини йўқотган ана шундай сохта олимлар неча-неча авлодларни боқиб, тўйдириб келган далаларимизни пестицидлар — кимёвий дорилар билан заҳарлашди. Улар ерни оғулаш орқали озиқ-овқат ҳаракатномасини тез фурсатда бажариш мумкин, деб деҳқонларни ишонтиришга уриндилар. Амударё, Сирдарё, Орол денгизи қуриса ҳам пахта майдонлари кўпайсин, чунки пахта «миллий ифтихоримиз», деб жар солдилар. Мактаб болаларини эртаю-кеч далада ишлатиш — инсонни ҳар тарафлама «камол топтириш», одамни фақат меҳнат гўзаллаштиради, билим олиш шарт эмас, ҳамма олим бўлса, подани ким боқади, деган фикрларни зўр бериб сингдириш — тарғибот ишларининг марказига айланди. Ўзбекистон илм-фан, техника тараққиёти, иқтисоди орқага кетиши тарғибот ишларининг аччиқ мевалари бўлди.

Тўғри, ҳалол ва узоқни кўзловчи одамларимиз ҳам бор эди. Улар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Аммо, сохта муваффақиятларга шубҳа билдирган соғлом фикрловчи одамлар тарғиботга, сиёсатга қарши, ғоявий бузғунчи деб эълон қилинди. Миллат, халқ келажаги ҳақида қайғурган одамларга «миллатчи», руҳий ва маънавий бойлигимиз бўлган диний қадриятларимизни ҳимоя қилган одамларга «панисломист» деган жиноий ёрлиқлар ёпиштирилди ва улар қувғин остига олинди, жамият ишидан четлаштирилди.

Ҳақиқат эгилади-ю, синмайди, дейишади. Табиатнинг ўзи, Оллоҳнинг ўзи золимларнинг жазосини беради, деган умидда яшаётган одамларнинг кўкрагига қайта қуриш ва ошкоралик шаббодалари тегиб, илғор кучлар яна қаддини ростлади. Ҳақиқат нурлари зулматни ёритиб, оқ билан қорани танишга имкон берди. Маълум бўлдики, турғунлик йилларида янги боғлар барпо этилмаган, аксинча, мавжуд боғлар қуритилган, дўконларнинг пештахталаридаги озиқ-неъматлар амалдорлар ҳимоясидаги давлат чайқовчиларига ўтиб кетган, пахта миллий ифтихоримиз эмас, балки миллат наслини қуритадиган экинга айланиб қолган. Истеъдодли мусаввиримиз чизганидай, пахта-пахта деяверив, қабристонларгача пахта экиб, одамларимизнинг миясида ҳам пахта очилиб қолган экан.

Хайриятки, ўзбек деҳқонлари пахтадан ташқари арпа, буғдой, гуруч, жўхори, ловия, нўхот, деган экинларга ҳам ер топа бошладилар. Жумҳуриятимиз ҳукумати Олий Шўросида эълон қилинган мустақиллик Декларациясини амалга ошириш учун пахта майдонларини камайтириб, озиқ-овқат экинзорларини кенгайтиришга киришилди.

Кўзбўямачиликлар ва ноҳақликларга қалам аҳлининг қўшган ҳиссаларини ҳам бугун очиқ айтадиган пайт келди. Журналистлар «фирқанинг дастёри» деган «шарафли» унвондан мутеларча фахрланиб, маъмурий-буйруқбозлик идорасининг сохта қаҳрамонларини «машъалларни» кўтариш ва ҳаётга мустақил, танқидий кўз билан қараганда, виждондан чекинмаган мард одамларни қувғин қилишда фаол иштирок этдилар. Сохтагарчиликларни фош этишга уринган одамларни «ютуқларимизни» кўролмайдиган «қораюрак» ҳасадгўйлар деб, фельетонлар ёздилар. Зил-замбил терим машиналарининг ёғига белангaн, эркаклашиб, бесўнақайлашиб, оналигидан, аёллигидан айрилган хотин-қизларни «узоқни кўзлаган қизлар», «Турсуноийчилар», «келажак қаҳрамонлари» деб мақтадилар. Фирқа бюрократиясига битмас-туганмас резерв-ўринбосарлар тайёрлаб берувчи комсомолнинг съездларида ҳам ҳар йили қизлардан 500 нафардан механизатор тайёрлаш, яъни ҳар йили 500 масъум қизни ҳусн, малоҳатидан, оилавий бахтидан маҳрум қилиш ташаббусини кўтариб чиқдилар. Турсуноийчилик ҳаракатини мақташни бошлаб берган атоқли адиб Назир Сафаров қариганида, умрининг охирида қилган гуноҳларидан уялиб, инсофга келиб «аёллар яхши келин, фарзандларига яхши она бўлсин, аёлларга хос нозик ишларда ишлашсин, уларни оғир техникани эгаллашга жалб этиб, аёллик бахтидан маҳрум қилмайлик», дея мақола ёзди.

Биз бугун шу ноҳақликларни эслашимиздан мақсад — яна ўша турғунлик ва қатағон йилларига, маънавий ёки иқтисодий-озод фикр бузилган даврга қайтмаслик, ўша йилларнинг аччиқ хулосаларидан келгуси тараққиётимиз учун тегишли хулосалар чиқаришдир.

Мамлакат иқтисодини соғломлаштиришга амалий уринишлар эндигина бошланди. Иқтисодда ҳам, маданият ва маънавиятда ҳам ижтимоий соҳа — халқ турмуши, меҳнат шароити, соғлиғини тиклаш учун кураш жабҳаси эндигина бошланди. Олдинда жуда оғир ишлар турибди. Бозор иқтисодига ўтиш бу оғизни кўпиртириб гапириш эмас.

Мен «Ҳаёт ва иқтисод» ойномасида ишлаётганим сабабли, кўпгина фикрларимни ана шу нашр билан боғламоқдаман. Дарҳақиқат, ойномамизнинг дастлабки сонларида Афлотун, Форобий, ибн Сино, Умар Ҳайём каби мутафаккирларнинг ижтимоий-иқтисодий қарашларини эълон қила бошладик: Файзулла Хўжаевнинг ҳозирги кун учун ҳам жуда зарур асари — «Бухоронинг иқтисодий аҳволи» мақоласини эълон қилдик. Файзулла Хўжаев кўтарган муаммолар дадиллиги ва мураккаблиги билан ҳозир ҳам бизни ҳаяжонлантиради. Чунончи, у йигирманчи йиллар бошида халқ жумҳуриятида хусусий мулк тақиқлангач, жумҳурият иқтисодини гуллатиб турган саноатчилар ва савдо корхоналари ёпилгач, иқтисодий аҳвол ниҳоятда оғирлашганини айтади. Бизда эса узоқ давр хусусий мулк, одамларнинг меҳнат билан ҳам бойиши ғоявий хато деб келинади. Шоир Муҳаммад Солиҳ айтганидай: «Йўқолсин бойлар!» — дедик, Бойлар йўқолди. Яшасин қашшоқлар! — дедик, қашшоқлар яшаяпти». Афсуски, ҳали жойларда маъмурий-бюрократиянинг илдизлари мустаҳкам, улар эркин меҳнат билан бойишга ҳамон тўсқинлик қиладилар.

Худди ана шундай ўз вазифасига номуносиб, тасодифий раҳбарлар боис «Экономика и жизнь» ойномаси ҳам етмиш йил Ўзбекистон жумҳуриятида дунё юзини кўрибдию, лекин шўрлик ўзбекнинг дастурхонидан, дарду ташвишидан бехабар қолаверибди. Етмиш йилдан буён уни Ўзбекистонда ўзбек тилида чиқариш лозимлиги, бу ҳаёт ва иқтисод талаби эканлиги, ажабки ҳеч кимнинг ҳам ёдига келмабди? Шунчалик андишали ва мўминқобиллигимиздан ҳайрат ҳам ҳайратда бўлса не ажаб. Ҳайриятки, жумҳуриятимизда сўнгги бир йилда амалга ошаётган хайрли ишлар янги раҳбариятнинг ҳалол ва мардонавор ишлари, туб маънодаги халқ томон юз буриши, унга самимий ва очиқ чеҳра билан боқиши эзилган ва хўрланган, алданган шўрлик фуқаролар қалбида яхши кунлар умидини уйғотмоқда. Иттифоқда фирқа обрў-эътибори тушиб бораётган бир пайтда, жумҳуриятда эса унга ишонч ва эътиборнинг ортаётганлиги эртанги нурли ва ёруғ кунларимиздан нишонадир. Ниҳоят узоқ адолатсизлик йиллардан сўнг отаётган оппоқ ва мусаффо тонгларимиз қутлуғ бўлсин. Энди шу орзиқиб кутилган тонгларни бизга кўп кўрмасалар бас!

Исмат ХУШЕВ,
«Ҳаёт ва иқтисод» — «Жизнь и экономика» ойномалари бош муҳаррири вазифасини бажарувчи.

Она тилимиз—бебаҳо мулкимиз

ТИЛ ТАҚДИРИ КИМНИНГ ҚЎЛИДА?

Шу йилнинг бошларида Навоий шаҳар ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари Светлана Аҳадовна Махнева билан давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг қандай бажарилаётгани ҳақида суҳбатлашгандик. Суҳбатдошимиз бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилаётганлиги тўғрисида гапириб, давлат тилини жорий қилиш комиссия аъзолари рўйхатини кўрсатди.

Давлат тилини жорий қилиш комиссиясига турли лавозимдаги турли миллат вакиллари киритилган. Жумладан, комиссия таркибига Навоий кон-металлургия комбинати директорининг ўринбосари Г. И. Кострица, Навоий цемент заводи кадрлар бўлими бошлиғи В. Солодовников, «Югпроммонтаж» тресті бошлиғининг ўринбосари Ю. Ильин, шаҳар маданият бўлими мудири С. Морозов, шаҳар халқ таълими бўлими мудири А. Борисов, шунингдек Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Р. Раҳмонов ва бошқалар киритилган.

Хўш, давлат тилини жорий қилиш комиссияси раиси С. А. Махнева ва унинг ўринбосари С. Н. Латиповлар шу салкам бир йилда комиссия фаолиятини жонлантира олдиларми? Умуман бу нуфузли комиссия фаолияти навоийликларни қониқтира оляптими? Комиссия тузишдан мақсад нима эди?

Биз ушбу мақоламизда Навоийда давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг қандай амалга оширилаётгани ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Буюк бобокалонимиз номи билан юритилаётган шаҳарда давлат тилининг равнақи ва қўлланиши у ёқда турсин, ўзбек тили алоҳида муҳофазага муҳтож бўлиб қолди. Фикримизни исботлашга ўтамиз. Шаҳарнинг ташкил этилиши кўп жиҳатдан марказдаги йирик саноат корхоналар фаолияти билан боғлиқдир. Табиийки, марказ вазирликлари қурилажак шаҳарни Бутуниттифоқ зарбдор қурилиш майдони деб эълон қилишди. Ишчиларнинг фарзандлари учун рус тилида дастлабки болалар боғчалари, мактаблар очилди. Шаҳар ва саноат корхоналари раҳбариятига ҳам асосан марказдан кўчиб келган кишилар кўтарилди. Шаҳарда ўша йилларнинг таъсири ҳамон йўқолгани йўқ. Ўзбек тилига давлат мақомининг берилиши бу соҳадаги жиддий нуқсонларни бартараф этади деб ўйлагандик. Бироқ биз кутганчалик бўлмади. Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг 3-моддасида: **«Ўзбекистон ССРда яшайдиган ҳар бир шахснинг давлат, жамоат идоралари ва ташкилотларига иш юзасидан таклиф, ариза ҳамда шикоят билан давлат тилида мурожаат этиш ва жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади»**, — дейилади.

Аслида ҳамма иш Қонунда белгилаб қўйилгандайми?

— Мен яқинда «Навоиазот» бирлашмаси кадрлар бўлимига давлат тили тўғрисидаги Қонуни қандай бажарилаётгани билан қизиқиб кирдим, — дейди Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти Навоий филиали ўзбек адабиёти кафедрасининг ўқитувчиси А. Холмуродов. — Аммо улар менга шубҳа билан қарашди. Ҳужжат сўрашди. Сўнгра:

— Мабодо, «Бирлик»нинг аъзоси эмасмисиз? — дейишди.

— Мен уларга Қонун бўйича давлат тилида мурожаат қилишга ҳаққим бор эди. Лекин уларга рус тилида мурожаат қилдим. Эвазига дашном эшитдим.

Албатта, бу бизда оддий ҳодисага айланган. Биз ҳали бирор ташкилотга мурожаат қилиб, давлат тилида жавоб олганимиз йўқ. Ва шуниси ачинарлики, биз бунга тобора кўникиб боряпмиз. Бугун зўр бериб сталинизм қатағонларини, турғунлик йилларининг иллатларини қораламоқдамиз. Ўзимиз эса манқуртларга айланиб боряпмиз. Манқуртлар эса ўз тарихидан маҳрум кимсалардир. Қонуннинг 4-моддасида: **«Ўзбекистон ССРда ишловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун жумҳурият давлат тилини етарли даражада билишлари шарт.**

Ўз фаолиятига кўра аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини бажариш учун давлат тилини зарур бўлган даражада билишлари лозим», — дейилади. Бироқ Навоийдаги саноат корхоналарига раҳбарлик қилаётган кишиларнинг бирортаси давлат тилини биладими? Навоий кон-металлургия комбинати, «Навоиазот» бирлашмаси, электр кимё ва цемент заводлари раҳбарларининг Навоийда яшаётганликларига ўн йилдан ошди. Ушбу корхоналарнинг биринчи раҳбарларини қўя турайлик. Юқорида қайд қилиб ўтилган корхоналарда ўрта бўғин кадрлари ҳам давлат тилини яхши билишмайди. Уларнинг тил билмасликларини айблаб бўлмайди. Негаки, яқин пайтларгача жумҳуриятимизда рус тили иккинчи она тилимиз деб тан олинганди. Ҳатто рус тилини яхши билмайдиган кишилар саводсиз деб таҳқирланди. Шунинг учун айрим тушунган ота-оналаримиз ўз фарзандларини рус тилида ўқитишни маъқул деб билдилар. Ўша ота-оналар янглишмаган экан. Уларнинг фарзандлари бугун шаҳарда энг масъулиятли вазифаларда ишламоқдалар. Ўз тилини, кимлигини унутган бундай кишилар ўзбек халқининг вакили сифатида юқори лавозимларда иш кўрадилар.

Энди Қонуннинг 5-моддасини кўздан кечирайлик. Бу моддада шундай дейилади: **«Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида, съезд, пленум, қурултой, сессия, конференция, мажлис ва кенгашлар жумҳуриятнинг давлат тилида олиб борилади ва айнан таржимаси таъминланади.**

Меҳнат жамоаларида мажлислар давлат тилида, шунингдек мажлис аҳли танлаган тилда олиб борилади». Энди ҳурматли навоийликларга бир саволимиз бор: «Юқорида номлари санаб ўтилган корхоналарда бирор марта йиғилишлар давлат тилида олиб борилдими? Лоақал мажлисларни давлат тилида олиб боришга нималар тўсқинлик қиляпти? Берилган муддат қачон келаркин деб кутиб ўтиришимиз керакми? Агар биз муддат кутадиган бўлсак мазкур Қонун моддалари бажарилиши бизнинг лоқайдлигимиз туфайли яна йигирма йилга кечикиб кетиши мумкин.

Ушбу Қонун 24-моддасининг бажарилиши кўпчиликни ташвишга солмоқда. Мазкур Қонун моддасида жумладан шундай дейилади:

«Ўзбекистон ССРдаги шаҳарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, тарихий обидалар ва бошқа жўғрофий-ҳудудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва жумҳурият давлат тилида ёзилади». Навоий шаҳрига поездда келсангиз сизни вокзал биносида ялтираб турган «Навоий» деган ёзув қарши олади. Кейин автобусга ўтириб шаҳар томонга равона бўлинг. Дастлаб нигоҳингиз «ул. Ульянова» деган ёзувга тушади. Шундан сўнг «ул. Ибн Сина» кўчаси бошланади. Бироз юрганингиздан кейин «проспект Ленина»га чиқиб оласиз. Шаҳарда ҳанузгача «ул. Горького», «ул. Толстого» ёзувлари сақланиб турганини гапирмай қўя қолайлик. Нима ҳам дердик. Шаҳар байналмилал. Аммо мана шу ёзувлар ёнига «Ленин кўчаси», «Горький кўчаси», «Толстой кўчаси» деб ёзиб қўйиш давлат тилининг қадрини ўн чандон оширган бўларди. Шаҳарнинг вокзал даҳасида жойлашган «Автомобильная», «Совхозная» кўчаларининг номини қайта кўриб чиқиш вақти аллақачон етди.

Хўш, Навоийда давлат тили тўғрисидаги Қонун нега бунчалик суст бажарилмоқда? Мен ушбу савол билан бир неча мутасадди ўртоқларга мурожаат қилдим. Уларнинг жавоблари турлича бўлди.

— Ҳозир бир-биридан муҳим қарорлар кетма-кет чиқмоқда. Уларни амалга ошириш учун биргина раҳбарнинг иккита умри ҳам етмайди.

— Аввал иқтисод ҳақида ўйлашимиз керак. Қорни оч кишини ноғора чалишга мажбур қилмайдилар.

Албатта, улар ҳам ўзларича ҳақ. Лекин менинг ҳам ўз фикрим бор. Аввало Навоийда «Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили тўғрисидагк Қонун лойиҳаси» совуққонлик билан кутиб олинди. Шаҳар рўзномасида тил тўғрисидаги Қонунга ҳожат бормикан деган мазмунда бир қатор мақолалар эълон қилинди. Шаҳар рўзномасининг 1989 йил 12 сентябрь сонида Навоий кон-металлургия комбинати ижтимоий тадқиқотлар бўлими ўтказган анкета саволлари таҳлили берилган. Ушбу мақоладан маълум бўлишича, аксарият навоийликлар ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишига эътироз билдиришган. Биз ушбу мақоладан айрим кўчирмалар оламиз:

«Ҳамма ривожланган мамлакатларда ягона давлат тили ҳукм суради».

«Совет ҳокимиятининг 70 йили давомида биз бир-биримизни икки тилликсиз тушуниб келдик».

«Одамлар ўртасида яхши муносабатлар мавжуд бўлган шароитда бундай Қонун керак эмас».

«Ўзбек тили халқ тили сифатида сақланиши керак. Мамлакатдаги барча миллатлар учун рус тили ягона муносабат тилига айланиши керак». Албатта бундай фикрлар биргина шаҳар рўзномасида айтилгани йўқ. «Правда Востока», «Ташкентская правда», ҳатто «Правда» рўзномалари ўзбек тилига давлат мақоми берилишини кескин қоралаб чиқдилар. Бироқ жумҳурият зиёлиларининг ҳаракатлари туфайли тилимизга давлат мақоми берилди. Мана энди жўжани кузда санайдиган вақт келди. Навоий шаҳрида давлат тилини рўёбга чиқариш борасида қилинаётган ишлар Қонун талаблари асосида эмаслиги бугунги кунда аён бўлиб қолди. Чунки бу соҳадаги ишларни болалар боғчаларидан, мактаблардан бошлаш керак. Қонуннинг 15-моддасида: «Ўзбекистон ССЖда дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган умумий таълим мактабларида, ҳунар-техника билим юртларининг ҳамда ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг дарслар ўзбек тилида ўтилмайдиган бўлим ва гуруҳларида ўзбек тилини ўқув планининг асосий фанларидан бири сифатида ўрганишни таъминлайди, бу фандан битирув имтиҳони топширилади», — дейилади. Албатта ўзбек тилидан битирув имтиҳони топширган талаба ёки ўқувчи бу тилни анчамунча ўзлаштириб олиши аниқ. Лекин аминманки, шаҳар мактабларида ўзбек тилини ўқитиш мутлақо талаб даражасида эмас. Ушбу Қонуннинг 26-моддасига: **«Ўзбекистон ССРда яшовчи барча миллатлар миллий-маданий жамиятлар ва марказлар тузиш ҳуқуқига эгадирлар»**, — дейилади. Тан олишимиз керакки, биродарларимиз Қонуннинг ушбу моддасини амалга ошириш борасида биздан кўра кўпроқ иш қилмоқдалар. Айни пайтда шаҳарда бошқа тилларда ўқитиладиган синфлар очилди. Бошқа миллатдаги қариндошларимиз паспортларига ўз миллатини ёздириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Лекин улар ўз паспортларига ўзбек деб ёздиришиб кам бўлишгани йўқ. Шундай бўлса ҳам улар ўз она тилларининг нуфузини сақлаб қолдилар. Яқинда «Совет Ўзбекистони» рўзномасида СССР халқ депутати Гулирухсор Сафиеванинг суҳбати босилди. Унда ёзилишича, Бухоро ва Самарқандда истиқомат қилувчи тожиклар ўз паспортларига тожик деб ёздиришга ёрдам сўраб халқ депутатига мурожаат қилганлар. Айтиш керакки, шу пайтгача жумҳуриятимизда ҳеч бир миллат камситилмаган. Сталинизм даврида ҳам, турғунлик йилларда энг оғир азобни ўзбекларнинг ўзи тортишди. Бунга «Ўзбек иши», «Пахта иши» деб аталган ибораларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Биз ушбу мақоламизни рус педагоги К. Д. Ушинскийнинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқчимиз:

«Мамлакатнинг табиати ва халқнинг тарихи инсон қалбидан жой олиб, сўзлар орқали ифода этилган. Одамлар ҳаётдан кўз юмаверганлар, аммо улар яратган сўз халқ тилининг мангу ва битмас-туганмас бойлиги сифатида қолаверган: бинобарин, тилдаги ҳар бир сўз, унинг ҳар бир шакли инсон тафаккури ва туйғусининг натижасидир, ўша тафаккур ва туйғулар орқали сўз ёрдамида мамлакат табиати ва халқ тарихи ифода этилган».

М. МАРДИЕВ.



Шоира Олимжонова (суратда) Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз ноҳиясидан. У ноҳиядаги 71-мактабда тарих фанидан сабоқ беради. Шу билан бирга мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари ҳамдир.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг жумҳуриятимиз барча меҳнаткашларига «Келажагимиз — мактабда» Мурожаатномаси биз педагогларга улкан масъулият юклайди, — дейди у.

— Шунинг ўзиёқ мактаб нечоғлик улуғ даргоҳ эканлигини, муаллимлар эса даврнинг олдинги сафларида бўлиши лозимлигини яна бир бор таъкидлайди.

Бу хайрли ишда муаллимларга омад тилаймиз.

Сураткаш: Жўра БОБОРАҲМАТ.

Хушхабарлар

ВИЛОЯТ марказида иккита чоғроқ хусусий корхона пайдо бўлибди, деган хабар Урганчга тез тарқалди. Зарур ҳужжатлар расмийлаштирилиб, маҳаллий маъмурлар билан шартномалар тузиб бўлинди.

Машарип Отажонов ўз ательесини «Орзу» деб номлади. У шаҳар модалар ательесининг биринчи қаватида жойлашди.

Тикувчилик билан шуғулланувчи иккинчи корхона унинг эгаси Бахтиёр Қутлиев номи билан аталди. Бу ателье «Водник» микрорайонида жойлашган.

Ҳар бир корхона эгаси бу ательеларни сотиб олиш учун саккиз минг сўмдан пул тўлади. Бу уддабурон кишиларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, барча харажатлар яқин уч йил ичида ўзини оқлайди. Маҳаллий маъмурлар билан тузилган шартномага мувофиқ ателье эгалари шимлар, костюмлар, аёллар ва эркаклар кўйлакларини тикиш учун берилган буюртмаларни бажарадилар.

* * *

ҚЎҚОН бирлашган авиаотряднинг дам олиш зонаси дастлабки дам олувчиларни қабул қилди. У Ўзбекистон ноҳиясининг бўш ётган ерларига жойлашди.

Бир вақтлар янтоқдан бошқа нарса ўсмаган жойда энди дарахт кўчатлари яшнаб турибди. Бу ерга вагончалар олиб келинди, электр узатиш линияси ўтказилмоқда. Ҳовуз қурилаяпти, кенг коттежлар учун пойдеворлар қўйилмоқда.

Қўқонлик авиаторлар анчадан буён ўз дам олиш зоналари бўлишини орзу қилишарди. Лекин яқиндагина уларга шу мақсад учун ер ажратиб беришди. Жамоанинг умумий мажлисида бу ердаги барча объектларни хўжалик усулида қуриш ҳамда дам олиш зонасидан йил давомида фойдаланиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

УДДАБУРОНЛИК

«Хоразмремвод» бирлашмаси ихтисослаштирилган механизациялашган колоннасининг янги ишлаб чиқариш цехи тақчил маҳсулот — йўлларга ётқазиш учун ишлатиладиган асфальт тайёрлаб бера бошлади. Бу ерда ҳар йили 500 тонна асфальт чиқарилади.

Цехни хўжалик усулида барпо этишди. Унга сарфланган барча харажатлар шу йил охиригача қопланади. Бу ерда ишлайдиган одамлар ҳақида илгарироқ ўйлаб, режали иш тутишди: улар вилоятнинг турдош корхоналарида иш ўргандилар.

Бу муаммоларни мустақил ҳал этиш борасидаги ягона мисол эмас. Механизациялашган колонна гидротехниклари ўз кучлари билан манзарали чўян панжаралар ва бетон конструкциялар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишди.

«ҚАЛИН ҚАТЛАМ» ЯНА ИШ БОШЛАДИ

«Ангрен» кўмир кони яқинида жойлашган «қалин қатлам»да қирқ йиллик танаффусдан кейин яна кўмир қазиб олина бошланди. Кўмирни бу ерда «Қизил қум» кончилик ширкати ходимлари қазиб олишмоқда.

Бу ерда кўмир сифатининг унча яхши эмаслиги ва шу жойдаги рельефнинг мураккаблиги туфайли 1950 йилда кўмир қазиб олиш ишлари тўхтатиб қўйилган эди. Чунки кўмир қатлами Новгарзонсой Оҳангаронга қуйиладиган жойда жойлашган. Лекин ҳар қалай мутахассисларнинг ҳисоб-китоблари «қалин қатлам»нинг қалинлиги 30 метрга етишини ҳамда у яна бир неча йиллар мобайнида камёб ёқилғи бера олишини кўрсатди. Кўмир сифатига келганда эса, у Ангренникидан деярли қолишмайди.

«ОРЗУ» ОРОМГОҲИДА

Бундан атиги бир неча йил илгари ҳам Тошкент «Орзу» чарм-галантерия ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва хизматчилари таътил палласи келди дегунча, йўлланма излаб сарсон бўлишарди. Илғорлик сари йўл тутган корхона маъмурияти, хусусан, касаба уюшмаси ташкилоти вазиятдан чиқишнинг йўлларини қидиришга тушишди.

— Тоғ қўйнида оромгоҳ қурамиз, — таклиф қилди касабачилар.

Маъмурият астойдил қўллаб-қувватлади. 1986 йилда ишга киришилди. Шу-шу бугунги кунга келиб, Хумсондаги тоғлар қўйнида ажойиб шаҳарча пайдо бўлди.

— Ҳозиргача бу оромгоҳ учун 700 минг сўм маблағ сарфланди, — дейди бирлашма касаба уюшмаси қўмитаси раиси Комилжон ака Солиҳов.

— Бу ерга ҳар бир дона ғиштнинг қанчалик машаққат билан олиб чиқилганини айтмайсизми. Меҳнатнинг таги роҳат, деганларида ҳақ айтишаркан. Бугунгача асосий қурилиш монтаж, пардозлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Энг муҳими, биргина шу йилги ёз мавсумида корхонамизнинг юзлаб ишчи-хизматчиси ҳеч қандай сансалорликларсиз мириқиб ҳордиқ чиқаришди. 3 та ғиштин коттеж ва 18 та вагон уйчалар ходимларимиз ихтиёрига бериб қўйилган.

Бирлашмада меҳнатчиларнинг ижтимоий турар-жой шароитларига эътибор фақат шулар билан чегараланаётгани йўқ.

— Бугунги кунда корхонамиз хотин-қизларига мўлжаллаб маиший хизмат комплекси қурилиши ҳам қизғин олиб борилмоқда, — дейди бирлашма бош директорининг кадрлар ва маиший масалалари бўйича ўринбосари Светлана Анатольевна Казакова. — Бу ерда 21 та хизмат турини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Келгусида уларнинг тури 40 тага етказилади. Шунингдек 40 та хонадонга мўлжалланган турар-жой биноси жадаллик билан барпо этилаётир. Корхона ҳисобидан 8 та ёш оилага қарз пул ва 15 кишига уй-жой қуриш учун ер ажратилди.

Тошкентдаги «Орзу» ишлаб чиқариш бирлашмаси маъмурияти ўз жамоасига ана шундай ғамхўрлик кўрсатмоқда. Уларнинг эса ҳозирча энг кўпроқ фахрланадиган масканлари ҳам «Орзу».

С. РАМАЗОНОВ.

Одилов ҳозир ҳибсда. У кўп йиллар раҳбарлик қилган хўжалик қандай яшамоқда ва ишламоқда?

«...Қайта қуриш даврини кўпроқ хайрли ўзгаришлар билан боғлашади. Бизнинг қишлоқларда эса ҳаммаси тескариси — қачонлардир халқ пулига қурилган ишлаб чиқариш ва маданий иншоотлар бугун чала бузилган ҳамда ачинарли аҳволда ётибди. Яхши тушунамиз, Поп агросаноат бирлашмасининг бош директорини қамоққа олишди ва унинг тақдирини суд ҳал этади. Бироқ бу ерда халқнинг айби нимада? Нега энди бировнинг гуноҳлари учун тушовни ботмонлаб халқ тўлаши керак? Минглаб одамлар ишсиз қолиб кетди, кўпчилик турар-жойга эга эмас, уларга маиший шароит яратилмаган...»

(Наманган вилоятидаги Ғурумсарой, Тепақўрғон, Пунган, Чодак, Чоркесар қишлоқлари аҳолисининг муҳарририятга юборган хатидан).

БУЙРУҚ ОРҚАСИДАГИ ВАЙРОНАЛАР

Ростини айтганда, аввал бошида чўчиб турдим: хатни уюштириш ҳам мумкин. Бизнинг давримизда уруғ-аймоқчилик ва қариндошчилик алоқаларининг кучи ҳали улкан. Бироқ мухбирлар пунктига келиб тушган саноғига кўра учинчи мактубда далиллар ишонарли тарзда жарангларди ва мен Ғурумсаройга йўл олдим.

Водийдаги шўх ирмоқларнинг тошдан-тошга урилиб шилдираб оқиши қалбга ором бағишлайди, олма, олча, нок дарахтларининг шохлари ҳосилни кўтаролмай осилиб қолган, бироқ бу осойишталик ва тўкин-сочинлик ортида аянчлик аҳвол намоён бўлди. Гўё қуюн ўтгандай. Ёки зилзила юз бергандек. Бузилган шаҳарча томлари кўчириб ташланган, деразаларнинг ромлари синдирилган. Сақланиб қолган болалар расмлари, «кўргазмали ташвиқот» қолдиқларига қараб, бу ерда кашшофлар оромгоҳи бўлганлигини пайқаш мумкин.

Уни ким бузган? Нега? Сафар арафасида касаба уюшмалари Наманган вилоят кенгашида қизиқиб қолдим: қишлоқ болакайлари учун кашшофлар оромгоҳи, уларнинг ота-оналари учун дам олиш масканлари етарлими? У ерда қўлларини силташди: нималар деяпсиз, булар улкан муаммоларки, агар яна шунчага эга бўлганимизда ҳам, ҳаммани таъминлай олмаймиз!..

— Бу ерга асфальт йўлни ўтказиб келиб, дарё устига кўприк қуриш қанчалик меҳнат эвазига қўлга киритилди! Тоғли-тошли жойда турсак! — ҳикоя қилиб берди ҳамроҳим, собиқ йўлсоз, эндиликда уй-жой ширкатининг раиси Усмон Имомназаров. — Бу ерда қанча куч ва маблағ сарфланганлигини тасаввур қилинг! Бироқ кимнингдир миясига бу ҳовли Одиловники деган ўй келиб бульдозерларни ишга солган! У эса бу ерда атиги бир даъфа, очилиш маросимида қатнашган эди...

Бари эса Иттифоқ Фемидаси (адолат посбонлари) вакиллари кўрсатмасидан бошланди: тергов ишлари тугагунга қадар Одилов билан боғлиқ ҳеч бир нарсага қўл теккизилмасин: эҳтимол, кашшофлар оромгоҳига олтин ёки бриллиантлар кўмиб қўйгандир.

Тергов узоқ олти йил давом этди. Бу орада эса, унинг баҳонасида кўпгина маҳаллий раҳбарлар ишларнинг аҳволи учун жавобгарликни ўзларидан соқит қилдилар. Масалан, «Чодак» давлат хўжалиги директори А. Юсупалиевдан қиймати қарийб ярим миллион сўм турадиган лимонарий қурилишини «музлатиб» юборганлигини ҳеч ким сўраб-суриштирмади. Ва баъзи чорвачилик биноларини, дала шийпонларини ҳам... Аммо улар бундан олти йил муқаддам қандай аҳволда бўлса, шундоқлигича турибди. Бунда раҳбарлик маблағ етишмаётганлигига ишора қилса-да, моҳиятига кўра ана шундай янги иншоотлар қурилишини бошлашни лозим топди.

Ташландиқ бинолар гўё эскилик сарқитидек илма-тешик бўлиб кўзга ташланар, менинг кўз ўнгимдан эса сўнгги йилларнинг кўпгина йўқчиликлари муҳрланиб қолган одамларнинг чеҳралари, уларнинг оғир турмуш шароити ва эртанги кунга ишончсизлиги кетмасди. Ерик-йиртиқлар кишиларнинг қалбига ўрнашиб қолганди. Миллатлараро низоларнинг қонли натижаларига айланганлари ... Аҳоли эҳтиёжлари бўйича мамлакатда энг юқори ўринларда турган бу ўлкада ижтимоий муаммоларнинг иплари ҳаддан зиёд чалкашиб кетди. Ҳал қилиш йўлларини топиш ўрнига биз уларни кўпроқ чуқурлаштириб юбордик.

Ғурумсаройлик ёш йигит Амин Умаралиевнинг юзида ёшига хос бўлмаган ташвиш ўрнашиб қолган.

— Яқинда ҳарбийдан қайтдим ва қаёққа қўл уришимни билмайман, — дейди у бошини сарак-сарак қилганича. — Шаҳарга қурилишга кетишга ёки пиёз етиштирадиган гектарчиларга мардикорликка боришга тўғри келади. Очиғи эса, қишлоқдан кетишни хоҳламасдим. Онам, қариндошларим шу ерда...

Бундай омади чопмаган тақдирлар қанча! Поп ноҳия ижроқўмида, статистика бошқармасида аҳолининг иш билан машғуллиги ҳақидаги рақамларни иложи борича камроқ қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишди. Ҳеч қиси йўқ, икки минг атрофида, қисқа вақт ичида иш ўринларини топиб берамиз уларга... Бироқ аниқлик киритилган маълумотларга кўра, Попдаги ишсизлар сони 12,5 минг киши бўлиб чиқди. Вилоятда бу рақам ўн ва ҳатто, ўн беш баравар кўп бўлиб чиқиши ҳам тушунарли. Аммо шундай пайтлар ҳам бўлганки, Попда ташкил этилган агробирлашмага кишилар четдан жалб қилинган. Ўзи нима бўлди?

Ҳеч нарса. Бизда ўзи шундай юритилади. Агар қорами, унда ҳеч қандай бўёқларсиз қора! Раҳбар кетдими, демак, у қилган ишларнинг ҳаммаси ёмон. Бунинг устига қамагудек бўлишса, — ўх-ўх қора чаплашни кейин кўринг.

Одилов «фирмаси» босим остида бузилиши билан (эндиликда эса хулоса чиқариш қийин, ўз ўзагига кўра стихиялими ёки ўз қонунимми), шу заҳотиёқ ҳаракатга келган ёрдамчи саноат корхоналарининг 43 тасидан 38 таси ёпиб қўйилди. Булар бинокорлик материаллари, сополчилик, қуюв цехлари, консерва заводи ва бошқа кўрдан-кўп участкалар эди. Аммо ..., агробирлашманинг давлат хўжаликлари (жамоалари) бўйиб ташлашаётган пайтда янги раҳбарлар ҳеч қайси корхоналарни балансга олишни исташмади. Уларни ортиқча ташвиш деб ҳисоблашди. Бу билан улар катта хатога йўл қўйдилар. Аниқлик киритмоқчиман: ўша пайтнинг ўзида Ўзбекистоннинг кўпгина вилоятларида, айтайлик, Хоразм, Бухорода одамларни иш билан таъминлаш мақсадида ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш авжига чиққан эди. Бу ерда, Наманганда эса аллақачон ишлаб турган, турмушнинг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатларига кўра ўзини кўрсатган тармоқларни ёпа бошлашди. Бинобарин, ушбу корхоналарга сарфланган ва йўналтирилган маблағлар оз эмас эди. Ўзбекистон Компартияси МҚнинг 1984 йилда бўлиб ўтган машҳур XVI пленумида расман тилга олинди: Поп агробирлашмасида капитал қурилиш бўйича тугалланмаган ишлар ҳажми 84 миллион сўмликни ташкил этади!.. Муболағасиз бу катта миқдордаги халқнинг пулини сақлаб қолиш ва улардан оқилона фойдаланиш кераклиги тўғрисида гапириш шартмикин? Бироқ мана яна, фақат ҳисобга олинган маълумотларга қараганда маҳаллий иншоотлар оз эмас, 15 миллион сўмлик иншоотлар ташиб, ўғирлаб кетилган. Ким айбдор? Бир қарашда раҳбарлар ҳам кўп, аммо жавобгар йўқ...

Янги лавозимда Поп ноҳия ижроқўми раиси Холмамат Талабоев ёшига кўра ҳам, стажи бўйича ҳам ёш, аммо ҳаётига кўра ўзини дадил ҳис қилади, худди шу ерда туғилгандек. Бирваракайига икки телефон дастасида гаплашади, ... Ижроқўмгача Талабоев ана шу Ғурумсаройнинг ўзида узоқ вақт мобайнида Ленин номли совхоз-техникумни бошқарган. Совхоз-техникум эса қачонлардир агробирлашмада марказий хўжалик ҳисобланган. Бу юқорида қайд этилган кўпгина иншоотлар унинг, Талабоевнинг даврида бузилган ва талон-торож қилиб ташланган. Шунинг учун ҳам раис билан бўлган суҳбат мантиқий эди.

— Ноҳия бўйлаб сафар қилганимда тоғдаги боғларда ўн минг тонналаб мева-чева нобуд бўлаётганини кўрдим, — дея суҳбатни бошлайман. — Қачонлардир улар ишга солинарди, шу ердаги консерва заводида қайта ишланарди. Шунингдек, одамлар ҳам иш билан машғул эди.

— Биласизми, биз консервалаш технологиясини ишга сололмадик, маҳсулотимизни у қадар қабул қилишмади, — чўрт кесди раҳбар.

— Майли, яхши, аммо қуюв, сополчилик ва ниҳоят, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилиши-чи? Якка тартибдаги қурилишларнинг бугунги кўламида улар шунчалик тақчил-ку!..

— Одилов шунчалик иншоотлар қурган-ки, уларни ушлаб туришга ожизмиз. Унда қанчадан-қанча алоқалари ва имкониятлари бўлганлигини ўзингиз ҳам биласиз-ку? Биздачи, нима бор? Бунинг устига у буларни қанақа йўллар билан қилган?! — Талабоев суҳбатга якун ясагандай қилиб қўлларини пахса қилди.

— Бузилган кашшофлар оромгоҳи-чи, дам олиш маскани, қулаб тушиш ҳолига келиб қолган ўйингоҳ, ажойиб спорт комплекси, сув ҳавзаси, никоҳ уйи ёки уни ҳозирда атаётганингиз «Бахт саройи»-чи?

Ноҳия ижроқўми раиси ноҳия Шўроси президиумининг мажлисига шошилаётганлигини айтди-да, жўнаб қолди. Менинг эса бундай сўзлашувдан сўнг раҳбар ўртоқлар истиқомат қилувчи Попнинг тинч кўчаларида бўлиб ўтгим келди. Улар мени ҳам этишсин: хонадонларнинг деразаларига қарамадим ва меҳмон қилишларини ҳам сўрамадим. Бироқ уйлар шунчалик қурилган эдики, уларда «квадрат метр»ларга қараб ... эҳтимол, дарвоқе, уларни ҳам ўша ноҳия Шўроси ишлаб чиққан ва қабул қилган. Шу ўринда савол туғилди: бундай ҳашаматли уй-жойларни барпо этиш учун болалар боғчалари, мактаблар, спорт комплекслари ремонти ва уларни сақлашга мўлжалланган маблағлардан қанчаси тортиб олинди? Мана улар — одамлар тақдирининг бу ерлик янги ҳимоячилари сўзлари, уларнинг ҳақиқий тутган йўли ва дунёқараши!

— Абдуллаев ноҳия учун ҳеч нарса қилмади, лавозимдан кетди ва Рафиқалиевдан ҳам ҳеч нарса кутаётганимиз йўқ, фақат режалар қабул қилади, вассалом. — «Чодак» давлат хўжалиги коммунистлари Поп ноҳияси фирқа қўмитасининг собиқ ва бугунги биринчи котибларини шундай баҳолашди.

Ҳа, сўнгги беш йил ичида бу ерда раҳбарият уч марта алмашди, аммо ноҳия иқтисодиёти ўсишида ҳам, ижтимоий ҳаётида ҳам одамлар ўзгариш кўрмадилар. Ахир, мантиқан ташкил этиб бўлинган ва бугунда ташлаб қўйилган ишлаб чиқаришни ва тармоқларни ҳаётга қайтариш кифоя эди, холос. Дарвоқе, булар ҳаммасини қайта тиклашни хоҳловчилар пайдо бўлганига ҳам анча бўлди. Усмон Имомназаров (ҳа, ўша, йўл бошқармасининг собиқ бошлиғи, ҳозирги ширкатчи) амалда хўжасизларча ташлаб юборилган ғишт заводига қўл урди ва ўта қисқа муддатларда уни қайта тиклади. Ўнлаб кишилар яхшигина маош олдилар, вилоятнинг яқин атрофдаги хўжаликлари ғишт ола бошлади. Ўша Имомназаровнинг ўзи яна зарар келтираётган бўрдоқичилик базасини ва унинг атрофидаги беш юз гектар ерни ижарага олди. Эндиликда ўзига етарли озуқа ишлаб чиқариш билан бирга арзон гўшт етказиб бераяпти. Ширкатда бундан ташқари ҳам яхши ниятлар йўқ эмас.

Ташаббуснинг бундай кутилмаган кўриниши кишини қувонтиради ва умидбахшлик ҳадя этади. Ҳаётнинг ўзи ишчан кишиларни одилликка ундайди. Уларга бугун тиргак, эътибор зарур. Шунинг учун ҳам мен Ғурумсаройдан бир қадар умид ва ишонч билан ортимга қайтдим: маҳаллий раҳбариятнинг тепса тебранмаслиги, лоқайдлиги ва тушкунлигига қарамай, барибир кишиларда умид учқунлари сўнмаганди — ўзгаришлар, албатта, бўлади! Фақат уларни қандайдир муайян буюк шахслар олиб келади, деб кутиб ўтирмаслик керак. Энг юксак обрў-эътибор ва энг катта куч бу — халқнинг ўзи. Меҳнатсеварлар ... ҳаммасини уддалай олади. Тоғда йўллар қурилишига, янги боғлар барпо этишни ҳам... Энг асосийси эса эртанги кунга ишонч руҳидир!

М. БАБИНЦЕВ,
«Сельская жизнь» мухбири.
Поп ноҳияси, Наманган вилояти.
[«Сельская жизнь» рўзномаси, 9 сентябрь, 1990 й.].

Саёҳатнома

Эркин САМАНДАР, шоир.



ОСМОНГА ЯҚИН ГУЛ

Ўйга ботиб турибсанми жим,
Яхши тушлар кўрибсанми жим,
Елга айтиб берибсанми жим,
Айт менга ҳам розингни самбит,
Эшитай овозингни самбит.
Нурли кунни ёдга олдингми,
Қора тунни ёдга олдингми,
Ёдга олиб қўбуз чалдингми,
Айт менга ҳам розингни самбит,
Чал менга ҳам созингни самбит.
Эсладингми нажиб тоғларни,
Турфа гулшан, ажиб боғларни
Жўшқин онлар, эркин чоғларни,
Айт менга ҳам розингни самбит,
Дариғ тутма созингни самбит.
Вақт учқур бир от эканми,
Чавандози сабот эканми,
Саботга ишқ қанот эканми,
Айт менга ҳам розингни самбит,
Кўрайин оғозингни самбит.
Қондан, жондан бўлдингми пайдо,
Ер, осмондан бўлдингми пайдо,
Кимлар боқди қаддингга шайдо,
Айт менга ҳам розингни самбит,
Ҳамдардинг, ҳамрозингни самбит.
Келдим сенга, кабоғингни оч,
Бир томирмиз, қучоғингни оч,
Ҳожат эмас ўртада тилмоч,
Айт менга ҳам розингни самбит.
Баҳору куз, ёзингни самбит.
Ёт кўз билан боқмагил хазин,
Само бирдир, биттадир замин,
Одам ва гул аро бўлмас кин,
Айт менга ҳам розингни самбит,
Чал пинҳоний созингни самбит.

МАРВАРИД СИЗНИКИ ЭМАСМИ?

БИЗНИНГ САЙЁҲЛАРДАН бирови марварид сотиб олди. Ал Ҳамидия бозоридан. Заргарлик дўконида ёшгина бола марваридни торозида тортиб, баҳосини айтди. Одатдаги савдолашиш, сотувчи у дейди, олувчи бу, охийри умумий тил топишади. Марваридни арзон-гаровга олганидан хурсанд сайёҳ йўлига равона бўлди.

Ал Ҳамидия бозори бир қарашда бизнинг Хивадаги Карвонсаройга ўхшайди. Ўрта йўлак, икки томони бир-бирига уланиб кетган дўконлар. Унинг узунлиги 10 километр. Аввало йўлак ҳақида. Ҳар жой-ҳар жойда болалар, артистлар доира (дербаки) чалиб, харидорларни дўконларга таклиф этиб туришади. Йигитчалар чиройли сувдонлардан (темир ҳенди) бозорчиларга мусаффо булоқ сувларидан узатишади. Даштлардан доривор гиёҳларни келтириб сотувчилар исванд тутатиб, шу ернинг ўзида одамларга шифо бахш этадилар. Ёш-ёш болалар турли-туман совғаларни пуллаш илинжида харидорлар атрофида гирдикапалак. Хуллас, йўлакнинг ўзи ҳам мўъжаз театр саҳнаси, ҳам очиқ бозор. Ана унинг икки томони чинакам савдо расталари.

Дўконлар хусусий бўлганидан рақобат кучли. Кимнинг дўконида мол мўл, сифатли ва арзон бўлса, бунинг устига сотувчининг муомаласи, кийиниши, ўзини тутиши жозибали, ёқимли бўлса, харидорлар ундан бир нима олмай кетишмайди. Шуни яхши билган савдогар авваламбор дунёнинг қай буржида яхши матоҳ бўлса уни топиб келтиришга уринади ва харидорни «қўлдан чиқариб юбормаслик» учун дўконини сариштга тутишми, артистларни ишга солишми, молларни кўз-кўзлашми, сотувчини то молни пуллагунча минг алфозга киритишми, э, нима қилиш керак бўлса, ҳаммасини бажо этади. (Шу топда бизнинг сотувчиларнинг совуқ муомалалари беихтиёр ёдга келади).

Ҳалиги марварид харид қилган сайёҳ турнақатор дўконларни, улардаги кўз олгувчи ашёларни томоша қилиб, меҳмонхонага қайтди. Қопчиғини очиб қараса, ўша марварид йўқ. Ҳайрон бўлиб, у ёқ-буёғини қаради. Тополмади. Наҳотки биров ўғирлаган? Йўғ-е. Мезбоннинг гапи эсига тушди: «Бизда умуман киссавурлик йўқ. Бировнинг молига хиёнат қилишмайди. Жиноят қилиб, гуноҳга ботишдан худо асрасин».

Сайёҳ келган йўли бўйича орқасига қайтди. Бирон жойда тушириб қолдирган бўлса, балки топиб олар. Юра-юра бозорга борди. Қайси дўкондан уни харид қилган эди? Дўконлар ҳаммаси бир-бирига ўхшайди. Бир-бирига монанд заргарлик дўконлари беҳисоб. Нима қилишни билмай турганда аллақайдан кечаги марварид сотган болакай чопиб келаверди. Анчадан бери сизни ахтараман, деди мулойим кулганча, марварид сизники эмасми?

Сайёҳ болага раҳматлар айтди. Харид қилаётиб, пулини тўлабди-ю, шошиб қопчиққа соламан деб, ерга тушириб кетаверибди. Марварид оёқ остида анча ётган. Ҳеч ким унга қиё боқмаган. Охири болакай уни олиб, харидорни эслаганда, уни ахтаришга тушган. Ўшанда боланинг севинчини кўрсангиз, марварид эгасини топиб, уни топширганидан шундай хурсанд, шундай хурсанд!

Мен ўйлайман. Бу ҳалолликнинг илдизи қаёқда? Виждон деган ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган, ҳеч қайси бозорда топилмайдиган бебаҳо бойликни шу оддий сотувчи болакайга ким берди экан? Табиатми, ота-онасими, муаллими-устозими, ўзи кўзини очиб кўрган, яшаб турган ҳаётми? Ўйларканман, мезбон Али Шамшарнинг сўзлари эсимга тушади.

— Диёнат бўлган жойда ўғирлик нима қилсин. Одамлар, шу жумладан ёшлар ҳам, кўпроқ савоб олишга интиладилар. Бировнинг қўлига сув қуйса — савоб, бечорага чора топиб берса — савоб, нон ушоғини оёқ ости қилмаса — савоб. Гуноҳга ботишдан қочадилар. Бировнинг молига хиёнат қилиш, номусига тегиш, ҳаром нарсадан ҳазар қилмаслик, бировга туҳмат тошини отиш — булар гуноҳи азим, бу дунё, у дунё кечирилмайди. Бундан ташқари қонунларимиз ҳам қаттиқ. Ўғирлик қилган одам, бировнинг жонига қасд қилган кимса, Дамашқдаги қатл майдонида ҳамманинг кўзи олдида дорга осиб ўлдирилади.

Мезбоннинг сўзларига яна қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин. Ёшларнинг феъл-атворини бузадиган томошалар кўрсатиш тақиқ этилган. Афишага кўзимиз тушиб қолди. Совет фильми «Кичкина Вера» намойиш қилинаётган экан. Билет олиб кинотеатрга кирдик. Зал тўла йигитлар. Битта ҳам хотин-қиз йўқ. Фильмни томоша қилдик. Ўша беҳаё кўриниш йўқ. Лентадан уни кесиб ташлашибди.

(Боши ўтган сонларда. Давоми 4-бетда).

Хориждан хабарлар

Шу ҳафтадаги асосий халқаро воқеалар

26 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Ғарбий Берлинда социал-демократияларнинг ГДЖ билан ГФЖдаги Германия социал-демократик партиялари иштирокидаги бирлашиш съезди очилади.

СССР ҳукумати БМТга туҳфа қилган «Эзгулик ёвузлик устидан ғолиб чиқади» ёдгорлик ҳайкалини топшириш маросими бўлиб ўтади.

Страсбургда Европа кенгашининг мажлиси очилади. Европадаги хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммолари, Форс кўрфазидаги танглик муҳокама қилинади.

Венада Австрия ташқи ишлар вазири А. Мокнинг журналистлар билан учрашуви бўлиб ўтади. Бу учрашув Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашида қатнашган давлатлар ташқи ишлар вазирларининг 1—2 октябрь кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтадиган учрашувига бағишланади.

27 СЕНТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

Варшавада Польша сейми ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, собиқ Польша Бирлашган Ишчи партиясининг мол-мулкини давлатга топшириш тартибини кўриб чиқишга киришади.

Жоржия штатидаги Атланта шаҳрида СПИДга қарши кураш муаммоларига бағишланган уч кунлик халқаро конференция очилади.

Лондонда И. Бродский, Ч. Милош ва бошқалар иштирокида халқаро назм фестивали бошланади. Фестиваль 6 октябрга қадар давом этади.

Европадаги оддий қуролли кучларга бағишланган Вена музокараларининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтади.

Ҳиндистоннинг Шимоли-Ғарбидаги фермерлар билан бой деҳқонлар бирлашмалари Мандала комиссиясининг аҳоли қолоқ табақалари вакиллари учун иш жойларини сақлаб туриш тўғрисидаги тавсияларини амалга ошириш борасидаги ҳукумат режаларига қарши норозилик белгиси сифатида Деҳлини қамал қилишни бошлаш ниятидадир. Намойишларнинг қатнашчилари пойтахтга кундалик зарур маҳсулотлар етказиб берилишига тўсқинлик қилишади.

Жаҳон Туризм ташкилотининг қарорига биноан Жаҳон Туризми куни нишонланади.

28 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА

Берлинда ГДЖ халқ палатасининг маҳсус мажлиси бўлиб ўтади. Унда давлат хавфсизлиги вазирлигини тугатиш тўғрисидаги ҳисобот тингланади.

ГДЖ христиан-демократик уюшмасининг 17-фавқулодда съезди очилади.

БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари бўлган беш давлат ташқи ишлар вазирлари БМТ бош котиби Х. Перес де Куэльяр билан учрашувини режалаштиришмоқда.

Деҳлида меҳнат қонунлари муаммолари юзасидан халқаро семинар очилади.

Япония бош вазири Тосики Кайфу чет элга жўнаб кетади. 12 кунлик сафар давомида у АҚШда ва Яқин Шарқдаги 5 мамлакатда бўлади.

29 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

БМТ қароргоҳида болалар манфаатларига бағишланган олий даражадаги халқаро учрашув очилади. Учрашувда 70 га яқин давлат ва ҳукумат бошлиқлари иштирок этади.

Нюрнбергда озод демократик партиянинг икки кунлик навбатдаги съезди бўлиб ўтади.

(СИТА).

«Биз маошимиз 350 маркага кўпайтирилмагунга қадар тинчимаймиз», «Маошни оширишни талаб қиламиз» — ана шунга ўхшаш шиорлар остида Берлинда Вазирлар Кенгаши биноси олдида меҳнаткашларнинг оммавий норозилик митинги бўлиб ўтди. Бу митинг санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари ходимлари, хизматчилар, ижтимоий хизмат, транспорт ва алоқа касаба уюшмалари ҳамда бошқа касаба уюшмаларнинг ташаббуси билан ўтказилган эди.

Берлинда ижтимоий хизматчилар, транспорт ва алоқа ходимлари раҳбарларининг меҳнат шартномалари тузиш тўғрисидаги музокараларнинг учинчи тури бошланишига бағишланганди. Унда 1,7 миллион ана шу касаба уюшмаси меҳнатчисининг маошини ойига 350 маркага кўпайтириш ҳамда ҳар бир бола учун ойига 50 марка қўшимча ҳақ тўлаш назарда тутилган.

Фақат моддий жиҳатдан аҳволни яхшилашга эришибгина қолмай, балки иш ўринларини ҳам сақлаб қолиш тўғрисида шартнома тузиш муҳимдир, деди музокаралар қатнашчиси Сигрун Пилц. Биз муқобил таклифларни кутамиз. Ана шу таклифлар орқали музокаралар олиб бориш мумкин бўлсин, деди, санъат, маданият, оммавий ахборот ходимлари касаба уюшмаси раиси Рут Мартин.



Ҳамма жойда ишдан бўшатиш содир бўлаяпти. Ҳеч қандай иш тўғрисида таклифлар йўқ. Берлиндаги қўғирчоқ театри, Буш цирки ёпилган. Санъат, маданият, телевидение, радио, «ДЕФА» киностудияси, АДН янги тарифлар тўғрисидаги музокаралар доирасидан четда қолмаслиги лозим, деб таъкидлаб ўтди тўпланганларнинг қарсаклари остида Рут Мартин.

Суратда: Берлин полициясининг мунгли оркестр мусиқалари остида касаба уюшмаси митингини кузатиб бормоқда. Ана шу мусиқа жамоаси маблағ ажратилиши тўхтатилиши муносабати билан берлинликлар ўртасида яқин кунларда ўз оммавийлигини йўқотади.

АДН-СИТА телесурати.

АМЕРИКАЛИК МАШҲУР ЖУРНАЛИСТ КАЛТАКЛАНИБ, ТУНАБ КЕТИЛДИ

ВАШИНГТОН, 24 сентябрь. (СИТА). Америка пойтахтида номаълум жиноятчи АҚШнинг кўпгина рўзномалари учун асосан ташқи сиёсий мавзуларда мақола ёзадиган америкалик машҳур журналист Жек Андерсонни тунаб кетди. 67 ёшли Андерсоннинг жума куни хабар қилишича, у иш куни тугаганидан кейин автомобиль турадиган жойга кетаётганида унинг олдига номаълум киши келган. Жиноятчи «хайрли оқшом, сэр», — деб саломлашиб, қўрғошин қувур бўлаги билан Андерсоннинг бошига туширган ва унинг чўнтагидан 100 долларга яқин пулини олиб кетган.

«Бу одамнинг ғазабини қайнатади, чунки талончилик куппа-кундузи, гавжум кўчада, Оқ уйнинг деярли ёнгинасида юз берди», — деди журналист. Полиция ҳодиса юз берган жойга Андерсон ишлайдиган идора ходимлари қўнғироқ қилгач, ўн беш дақиқа ўтганидан кейин етиб келди. Бироқ шу куни жиноятчини қўлга олишга муваффақ бўлинмади.

Андерсонга қилинган ҳужум қонунбузарликлар тобора кўпайиб бораётган Вашингтоннинг АҚШда «жиноятчилик пойтахти» сифатида ном қозониши қанчалик қайғули бўлмасин, тўғри эканлигини тасдиқлайди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДАГИ МУҲАББАТ

● ПИТЕР ФРЕНЧ 30 ёшда. Англиялик бу йигит «ойнаи жаҳон»да черков мусиқасига бағишланган кўрсатувни томоша қилиб ўтирган эди. Хорда қўшиқ айтаётган бир қизни кўриб, бир зумда севиб қолди. Би-би-сидагилар унга бу концертни «Глостерширенинг қаеридадир» суратга олишганини айтишди. Питер ўз машинасида ана шу вилоятга йўл олди. Кўпгина черков хорлари машқларида бўлди, бироқ ўз севгилисини топа олмади. Охири у Тюксберри ибодатхонасига бориб қолади ва шу ерда севгилисини кўриб қолади. Туғма тортинчоқлиги туфайли ўз муҳаббатини изҳор этолмади ва шу боисдан хорга ишга кирди. Орадан бир-неча кун ўтгач, ниҳоят Сара Гудвинс билан танишди. Ҳар қандай яхши романда бўлгани сингари уларнинг бу танишуви тўй билан якунланди.

ЙЎЛОВЧИ ОРЗУСИ

● ТАЙЁРАЛАРДА тез-тез учиб турувчи ҳар бир йўловчининг орзуси битта: «Кассаларда ҳеч қандай навбат бўлмаса!». Ғарбий Германиянинг Мюнхень шаҳридаги «Гало» фирмаси харидорларга ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган янги қурилмани таклиф этди. Унинг ёрдамида ҳар қандай тайёрага исталган вақт учун чипта олиш мумкин. Бунда атиги тугмачани босиш кифоя. Экранда пайдо бўлган чиройли аёл у ёки бу рейсга чиптани қандай буюришни тушунтиради. Йўловчи қаерга ва қачон учиши кераклигини айтади. Митти асбоб авиакомпаниянинг марказий компьютерларига уланган, шунинг учун ҳам буюртма беришда битта ўринга иккита чипта ёзилмайди. Буюртмадан сўнг мижоз асбобга кредит варақасини қўяди ва шу заҳоти чипта ва борт харитаси ёзиб берилади.

КАССЕТАЛАРДАГИ ПУЛ

● СТОКГОЛЬМДАГИ «СПК» фирмасидан Гунар Перссон исмли швед банкка пул ташишнинг хавфсизроқ йўлини ихтиро этди. Пул қоғозлари электрон схемали махсус кассеталарга жойланади. Сўнгра кассеталар пул ташиладиган машинанинг махсус жавонларига териб қўйилади. Борди-ю, қароқчи улардан бирортасини чиқариб олишга урингудек бўлса, жавон ўзидан газ чиқаради ва пуллар ичига тушган ўғри дарҳол бўёққа бўлғанади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



Сурия самбитлари

Порнография қатъиян ман қилинган. Тушдан кейин шаҳар айландик. Бир мусофир киши карта сотаётган экан. Яримяланғоч аёл сурати туширилган карта. Полиция ушлаб олиб кетди. Худди шунингдек арақ ичиш ҳам гуноҳ, у деярлик истеъмол қилинмайди. Лекин одамлар зоҳидликка, тарки дунё кайфиятига берилган эмас. Турмушдаги беғубор лаззатлардан ҳамма баҳраманд.

МАНЗАРА. Тун ўз бағрини чоқ эта бошлади. Аниқроғи, худди оқ-оппоқ отлар тўдасидек иниб келаётган шуълалар тун қорасини қувиб, самодан замонга равшанлик элта берди. Гўё кўк саҳнидан сон-саноқсиз оқ каптарлар ерга учиб тушдию, оппоқ қанотларини бараварига ёйиб юборди.

Дамашқ киприкларидаги мудроқларни каптарлар қаноти таратган еллар олиб кетди. Марварид доналаридай ёниб-чарақлаб турган юлдузлар ўрнини ёстиғидан эндигина бош кўтарган қуёшнинг ўктам элчилари — тарам-тарам нурлар эгаллади. Салобатли масжидлар, миноралар кўзга ташланди. Муаззин азон айтди. Масжид ва миноралар тепасига ўрнатилган овоз кучайтиргичлар муаззин товушини бутун Дамашққа ёйди, у баралла жаранглай кетди.

ЛАВҲА. Юқорида қалъа, машҳур Ҳалаф қалъаси. Унинг этагида икки миллиондан зиёд аҳолиси бўлган ҳозирги замонавий шаҳар жойлашган. Қалъа дарвозаси олдидан пастга қараб кетган йўл бироздан кейин ўнгга қайрилади. Йўл бўйлаб кетаётган одам унинг икки чеккасида нуқул тошдан қурилган турар жойларни, айрим деворлардаги беназир нақшларни томоша этиб, бироз юрганидан кейин файзли чорбоғ олдида тўхтайди. Уни чорбоғ соҳиблари илтифот билан кутиб оладилар ва ичкарига таклиф этадилар.

Меҳмон ичкарига кириши билан ҳовуз бўйида қироат қилаётган кишиларни кўриб, уларга аста бош эгади-да, соҳиб ҳамроҳлигида тўрга —гумбаз сари йўл олади. Ёрма нақшин қопудан ўтиб, мақбара олдида эҳтиром билан сукут сақлаб, буюк аллома хотирини ёд этади. Бу — улуғ озарбайжон шоири шайх Насимий мақбарасидир.

Соҳиб айтади. Насимий адолатни ёқлади. Одамлар қалбидаги эътиқод бутун бўлиши йўлида қайғурди. Ўтли ғазаллар битди. Ўз маслагини фаол ёйди. Халифа бундан дарғазаб бўлди. Насимий унга бўйин эгмади. Ғазабга минган Халифа Насимийни қатл этишга, терисини шилиб ўлдиришга амр этди. Ва айтдиким, унинг қони ерга ва бирон жонзотга сачрамасин. Иттифоқо, жаллоднинг пичоғи остидан тирқираб чиққан қон қатлни кузатиб турган муриднинг либосига сачради. У Халифа қаҳрига дучор бўлишдан қўрқиб, томчи қонни шоша-пиша ювиб ташлади. Ўлаётган Насимий унга деди: «Эй, нотавон мурид, сен кийимингга сачраган қонимдан хавфсираб, имонингга шак келтирасен, кўрмаяпсанмики, мен ўз эътиқодим йўлида оламни қоним билан бўямоқдамен».

Меҳмон мақбара олдида оҳиста тиз чўкади.

ҲИКОЯ. Бир йиллари Оврўподан рицарлар келиб, ҳозирги Хомс шаҳрини босиб олдилар. Ўз бойликларини ошириш пайида халқни ҳадсиз азоб-уқубатларга гирифтор этдилар. Шаҳарда асосан курд халқи яшар эди. Курдлар аввало босқинчиларга қарши курашиб кўрдилар, уларни енгишга кучлари етмагач, тақдирга тан бериб, тобеликка маҳкум бўлдилар.

Рицарлар Хомсга маҳкам томир отгач, қўшни шаҳарларни босиб олиш учун кураш бошладилар. Шунда шаҳарларнинг халқлари бирлашиб, рицарларга қарши шундай жанг қилдиларки, натижада душманнинг ярмидан кўпроғи қирилиб кетди. Қолганлари шаҳарнинг энг баланд жойида — тоғ тепасида ўзларига истеҳком қуриб, жон сақладилар.

Пастда эзилган халқ, юқорида — истеҳкомда юртнинг капитини ушлаб ўтирган босқинчилар, жангчилар пастдаги халқ устидан юриб истеҳкомга ҳужум этадилар, истеҳкомдагилар эса пастга — ҳам ўз рақибларига, ҳам халққа қараб ўқ узадилар.

Шу тариқа курдларнинг бошига кўп кулфатлар тушди. Ҳозир ўша истеҳком харобага айланган, рицарлардан қора изларгина қолган.

ЭСКИ КУРД ДАФТАРИДАГИ ЁЗУВ

Тоғ тепаси сўлим жой,
Қушлар учун қўним жой,
Мўл-мўл шуъла сочилар,
Бунда қуёш, бунда ой.
Ўзни мунча суясиз,
Эҳ, золимлар, золимлар.
Пастда, анов яйдоқда,
Яйдоқ шаҳар, қишлоқда
Халқ яшайди, мазлум халқ,
Яшар қўрқув, титроқда.
На суяб, на куясиз
Эҳ, золимлар, золимлар.
Рицарь асли тоймас эр,
Жанг-жадалга тўймас эр.
Сиз-чи, қайси жинсдансиз,
Сизни ким ҳам рицарь дер.
Балиқми, гўшт, нимасиз
Эҳ, золимлар, золимлар.
Баланд сизнинг ошён,
Пастда қаранг, оқар қон.
Дастингиздан ўлкада
Шерлар қолди беўрмон,
Қушлар қолди уясиз,
Эҳ, золимлар, золимлар.

* * *

САФАР ниҳоясига етди. Мен Сириянинг бугунги ва кечаги куни ҳақида баъзи мулоҳазаларнигина изҳор этолдим. Бугунги кун ҳақида сўз юритилганида кўпроқ ибратли томонларга қаламни сурдим. Йўқса, камчиликлар анча. Аммо шу пайтгача «хорижда ёмон, бизда зўр» қабилида гапирилдики, бунинг ҳеч кимга нафи тегмади, зарари эса аён.

Сўз бошида айтилган самбит яна хаёлни чулғайди. У эски кошона ўрнида ўсиб, гуллаб ҳамон одамларни эзгуликка чорлаб турибди. Шошмасанг, унинг қошида чўккалаб, жамолига боқсанг, унга қулоқ тутсанг, сенга кўп нарсалардан ҳикоя этади, кўп сирлардан сени огоҳ қилади.

Аммо вақт учқур от, ҳаммани шошилтиради. Ҳозирча хайр, саломатликни берса яна учрашармиз, самбитгул!

(Охири. Боши 3-бетда).

Болалар театрлари анжумани

Ижодий алоқалар мустаҳкамланади

Пойтахтимизда бир неча кундан буён Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари ёш томошабинлар театрларининг I фестивал-кўриги давом этмоқда. Ўзбекистонга ташриф буюрган меҳмонларнинг ушбу анжуманга бўлган муносабатларини билишга қизиқдик. Шу боисдан Туркманистоннинг Қулмамедова номидаги ёш томошабинлар театри режиссёри Тожмемат МАМЕТВАЛИЕВ билан суҳбатда бўлдик.

— Жумҳуриятингиз ёш томошабинлар театрининг жамоаси бу фестиваль-кўрикни қандай кутиб олдилар?

— Аввало бу анжуманни уюштирган Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси ходимларига мингдан-минг раҳмат. Чунки бизнинг жумҳуриятимиз ҳам, қўшни жумҳуриятлар ҳам бундай анжуманни уюштиришга унчалик эътибор беришмаган эди. Балки ортиқча чиқимдан қўрқишгандир. Кўрикка эса, биз яхши тайёргарлик кўрдик. Даставвал ўзимизда «Камалак» кўрик фестивали бўлиб, унда, саккизта театр қатнашди. Спектакллар орасида бизнинг «Боба Гамбар» спектакли биринчи ўринни қўлга киритди. Шу сабабли Тошкентга келишга муваффақ бўлдик.

— Кейинги ўн йилликда бизнинг жумҳуриятимиз театри санъатида муҳим муаммо — томошабин масаласи мураккаблашди. Театр тақдирини ҳал қилувчи томошабин хоҳ музикали, хоҳ драма театри бўлсин, ундан узоқлашмоқда. Бундан ёш томошабинлар театрини ҳам мустасно дея олмаймиз. Сизларда-чи?

— Томошабин муаммоси фақатгина Ўзбекистонда эмас, Ўрта Осиё жумҳуриятларининг барча театрларида мавжуд. Давр мураккаблашуви томошабин характери, дунёқарашини ҳам мураккаблашувига олиб келаяпти. Шунинг учун ҳозирги томошабин 70—80-йиллар томошабинидан кескин фарқ қилади. Бу хусусият болаларга ҳам тааллуқли бўлиб, улар ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатлардан катталарга яқинлашмоқда. Театр эса ана шу томошабиннинг жамиятдаги қиёфасини аниқ кўрсатиб берувчи ойна. Бироқ мазкур ойна томошабин қиёфасини замон билан уйғунлаштириб кўрсата олмаяпти. Шу боис томошабин театрдан узоқлашмоқда. Ёш томошабинлар театрларининг I анжумани ҳаммани ташвишлантираётган томошабин муаммосини ҳал қилишда янги бурилиш очади деб ўйлайман.

— Болалар театри ҳақида фикр юритар эканмиз, аввало бу соҳанинг асосий қирраси —драматургиянинг мураккаблашганлигини таъкидлаш лозим. Кейинги йилларда кичкинтойлар учун қалам тебратаётган драматургларнинг асарлари кўпайиб бормоқда. Бироқ улар орасида бирортаси ярқ этиб кўринмади. Шуни сиз қандай баҳолайсиз?

— Очиғи, ёш томошабинлар учун муҳим бўлган замонавий асарлар йўқлиги ачинарли. Мен ҳам ёш томошабинларга мўлжалланган яхши, қизиқарли саҳна асарини жуда кўп изладим. Лекин топиш мушкул бўлди. Ҳозирги фестивалга ҳам юқори синф ўқувчилари психологиясига мўлжалланган спектакль олиб келдик. Унда жиддий муаммолар кўтарилган.

— Ўзбек драматургияси ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ўзбек драматургларидан Шароф Бошбеков асарларига катта ҳурмат билан қарайман. Агар у киши яхши саҳна асарларидан берганида театримизда саҳналаштирардим.

— Ёш томошабинлар театрлари сизнингча ҳозир қандай савияда?

— Умуман театрнинг ўзига хос камчиликлари кўп. Ҳали уларни бартараф этиб ўрнак бўларли маданият даргоҳига айланишида анча ишлашга тўғри келади. Шулардан бири, мурғак қалбларни жароҳатламай шакллантириш, санъат мўъжизаларини очишда уларга «калит» топишда кўмаклашиш биринчи даражали ишимиздир.

— Сиз ёш томошабинлар театрларининг илк анжуманидан нималар кутаяпсиз?

Аввало биринчи ўринни олишни. Умуман, биз олиб келган «Боба Гомбар» спектакли менинг биринчи катта ишим. Миллий туркман спектаклини ўзбекистонликлар қандай кутиб олишлари мени қизиқтиряпти. Шу анжуман орқали биз ўзбек театри билан ижодий алоқамизни мустаҳкамламоқчимиз. Шунингдек: жумҳурият театрлари олиб келган спектакллар томошабинларни ҳаётий ва чуқур драматизми билан ҳаяжонлантирсин, долзарб масалаларини қамрай олиши билан ҳайратлантирсин, деган умиддаман.

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,
ТДТРИ талабаси.

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

ЯНА ОҚ ОТДА



Истараси иссиқ, озғингина аёл эгарда ишонч билан ўтириб, жуда қийин бўлган акробатик машқларни моҳирлик билан ижро қилмоқда.

Бу аёл ким бўлди, дейсизми? Отда бажариладиган машқлар устаси Карима Зарипова. У янги номерларни ўзи ўйлаб топади, ўзи режиссёрлик қилади ва ўзи ижро этади. Мабодо бирор бир ҳамкасби рақсга тушишни сўраса дилдан чиқариб ижро қилади. Чунки у бадиий рақс билим юрти ва А. Қодирий номидаги Маданият олийгоҳининг режиссура куллиётини тугатган. Циркда ўйнаш унинг бир умрлик орзуси эди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмасди. Нега дейсизми? Чунки у циркчилар оиласида дунёга келган. Таниқли чавандознинг қизи, биринчи ўзбек масхарабози ва акробатчи аёлининг невараси. У ёшлигиданоқ биз кўпам тушунавермайдиган ажойиб оламга кириб қолганди. Бу ажойиб оламнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Битта номерни тайёрлаш учун қанчадан-қанча машқлар қилинади ва саҳнага олиб чиқилади. Томоша томошабин қалбидан жой олса хўп-хўп, манзур бўлмасачи, қилган меҳнатлари зое кетади. Бундан ташқари сафарлар, тинимсиз изланишлар ҳам чарчатиб қўяди. Лекин ўғли ва турмуш ўртоғи у билан ҳамма вақт бирга. Уларни айрим-айрим тасаввур қилиб бўлмайди.

— Карима, фақат иродаси кучли аёлларгина бундай ҳаёт кечириши мумкиндир-а?

— Тўғри, лекин менимча бунга ҳаракатчан аёллargina эриша олади. Аслида циркчиларнинг ҳаммаси ҳаракатчан бўлишади. Бўлмаса бу соҳада бирор бир нарсага эришиб бўлмайди. Нафақат саҳнада, балки ҳаётда ҳам. Масалан: болаларим камида йилда бир марта биз сабабли мактабларини ўзгартиришади. Чунки жуда кўп сафарда бўламиз. Баъзан меҳмонхоналарда яшашга тўғри келади. Уйда эса камдан-кам бўламиз. Лекин маошимиз кўплар ўйлаганидек жуда кўп эмас, бор-йўғи 130-160 сўм. Яна ҳамма вақт махсус кийимда юришга тўғри келади. Кийимларни эса ўзим тикаман. Отимни ҳам ўзим кийинтираман.

— Айтгандай, тулпорларингизга ким қарайди?

— Уни ҳеч кимга ишонмайман. Ўзим юваман, қарайман, ем бераман, неки хизмати бор ўзим қиламан. Тулпорим ҳам мени жуда яхши кўради. Ҳатто қадам товушимни ҳам танийди. 18 йилдан буён биргамиз. Уни ҳеч нарсага алмаштгим келмайди.

— Карима, отларда ҳам одамларга ўхшаб туйғу бўлади, дейишади, шу ростми?

— Албатта. Ҳатто бизникидан кўпроқ ҳам. У жуда меҳрибон ва беозор жонивор. Беҳудага отни аёлга менгзамайдилар. Ҳар куни у билан «тиллашиб» тураман. Энг яқин қадрдонимга айланиб қолган. Уни ўз боламдек севаман.

Карима ўзининг «бошқа оламдан» келиб қолганларга ўхшаб қолишидан қўрқади. Ҳамма нарсани чуқур ўрганишга ҳаракат қилади. Ҳаётнинг бир жойда тўхтаб қолишини истамайди. У доим изланишда.

Т. ЯКОВЛЕВА.

* * *

СУРАТДА: Карима Зарипова.
Сураткаш: **Л. ПОНКРАТОВА.**

ЁШ БЕМОРЛАР УЧУН

УРГУТДА янги шаҳар болалар шифохонаси очилди. Тиббий билим юртининг собиқ биноси қайта жиҳозланиб, шифохонага берилди.

Шаҳарда бундан илгари касалхона йўқ эди. Шаҳар касалхонаси ҳузуридаги кичикроқ бўлим болаларга махсус ёрдам кўрсатарди, холос. Самарқанд вилоятида ҳали ҳам болалар тиббий муассасалари жуда етишмаяпти. Вилоят болалар шифохонаси бу ерда ўн йилдан кўпроқ вақт давомида қурилди, соғлиқни сақлаш соҳасига берилган биноларни таъмирлаш суръатлари ҳам паст.

Бу жумҳуриятимиздаги кўпгина вилоятлардаги манзарани эслатади. Шундай бўлсада, чоралар кўрилмоқда. Ўзбекистон ССЖ Соғлиқни сақлаш вазирлигида хабар қилишларича, кейинги йилларда болалар тиббий муассасаларидаги ўринлар умумий сони тўрт мингтадан ортиқроқ кўпайди.

Болалар ва доячилик муассасаларида оғир касаллар даволанадиган ва жадал даволайдиган хизматларни ривожлантиришга эътибор кучайтирилмоқда. Масалан, жумҳуриятимизнинг тўққизта вилояти ва Қорақалпоғистонда болалар шифокорлари кўчма бригадалари тузилди. Тошкентда, Наманган ва Самарқанд вилоятларида кичкинтойларга тез ёрдам кўрсатадиган ихтисослашган бўлимлар очилди.

(ЎзТАГ мухбири).

МУҲИМ ОЧКО БОЙ БЕРИЛДИ

Футболда кутилмаган натижалар кўп бўлади. Лекин, «Пахтакор» — «Кузбасс» учрашуви 3:3 ҳисоби билан тугайди деб, ҳеч ким ўйламаганди. Ахир командамиз турнир жадвалида 39 очко билан учинчи ўринни эгаллаб турган бўлса, кемероволик футболчилар 27 ўйиндан атиги 13 очко тўплаб, мусобақанинг охирги ўрнида эдилар. Шу боис мутахассислар ҳам, жумҳуриятимиз футбол ишқибозлари ҳам «Пахтакор» бу учрашувни йирик ҳисобда ютади, деб умид қилган эдилар. Афсуски...

Ўйиннинг биринчи ярми тўла пахтакорчилар устунлигида ўтди. Дастлабки 20 дақиқада майдон эгалари бир неча марта ҳисобни очишлари мумкин эди. Лекин Шквирин, Пятницкий, Қосимов меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга ололмадилар. 21-дақиқада командамизнинг иқтидорли ўйинчиси Руфат Галеев ҳисобни очишга муваффақ бўлди — 1:0. Орадан 8 дақиқа ўтгач, «Кузбасс» ўйинчилари ўз жарима майдонида Х. Оганесянни йиқитишади. Мусобақа ҳаками ҳеч иккиланмай 11 метрлик жарима тўпи тепишни белгилайди. «Пахтакор»нинг моҳир тўпурари И. Шквирин дарвозани аниқ нишонга олиб, ҳисобни 2:0 га етказади. 37-дақиқада Қосимов — Шквирин комбинациясини Игорь муваффақиятли якунлаб, тўплари сонини 28 тага етказди. Шундан кейин «Пахтакор» бир мунча хотиржамликка берилди. 37-дақиқада «Кузбасс» қарши ҳужумни муваффақиятли якунлади — 3:1.

Буниси ҳали холва экан. Ҳамма машмаша ўйиннинг иккинчи бўлимида юз берди. Дастлабки тўрт дақиқада пахтакорчилар дарвозасига қаторасига икки туп киритилди. Ҳисоб тенглашди — 3:3.

Мухлислар футболчиларимизнинг майдонда ишончсизлик билан ҳаракат қилаётганликларини кўриб, очиғи ҳайрон қолишди. На ҳужумда, на ярим ҳимояда ўйин қовушди. Қандайдир узилиш ташаббусни қайта қўлга олишга халал берди. Юзага келган қулай вазиятлар ҳам натижасиз тугади. Хусусан, майдонга иккинчи бўлимнинг ярмида тушган Бунтовнинг ўзи икки марта тўп киритолмади.

Ўйлаймизки, бу учрашув якуни пахтакорчиларни навбатдаги ўйинларга йиғинчоқлик билан муносабатда бўлишга ундайди. Чунки, мавсум якунланиши арафасида ўтказиладиган ўйинда ҳар бир очко осонликча қўлга киритилмайди. Олий лигага чиқишни орзу қилган команда буни унутмаслиги керак.

Шу турдаги қолган ўйинлар қуйидагича якунланди: «Зенит» — «Котайк» — 2:1, «Нефтчи» — «Спартак» — 1:2, «Нистру» — «Кубань» — 3:1, «Металлург» — «Динамо» (Сх) — 2:1, «Локомотив» (НН) — «Таврия» — 4:3, «Факел» — «Тирас» — 0:0, «Ростсельмаш» — «Геолог» — 2:2, «Динамо» (Ст) — «Шинник» — 3:3, «Қайрат» — «Локомотив» (М) — 1:0.

«Пахтакор» навбатдаги учрашувни яна ўз майдонида ўтказади. Бу сафар у 26 сентябрь куни Москванинг «Локомотив» жамоасини қабул қилди.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ў.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Спартак»	30	18	8	4	56-22	44
«Металлург»	30	16	10	4	45-21	42
«Пахтакор»	30	16	8	6	56-36	40
«Шинник»	30	15	7	8	44-31	37
«Динамо» Ст.	30	13	7	10	40-33	33
«Локомотив» М.	29	12	9	8	31-23	33
«Нистру»	30	11	9	10	34-35	31
«Нефтчи»	30	10	10	10	40-35	30
«Динамо» Сх.	28	11	7	10	22-25	29
«Геолог»	29	10	8	11	29-34	28
«Факел»	30	10	8	12	31-37	28
«Локомотив» НН.	30	9	10	11	32-43	28
«Таврия»	30	7	13	10	29-32	27
«Котайк»	30	9	8	13	32-35	26
«Зенит»	30	8	10	12	32-33	26
«Тирас»	30	8	10	12	21-36	26
«Қайрат»	30	8	9	13	29-38	25
«Ростсельмаш»	30	8	9	13	29-43	25
«Кубань»	30	8	6	16	22-42	22
«Кузбасс»	28	4	6	18	20-40	14

ТВ

26 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Биология. Турлар мезони ва структураси. 12.00 «Рушана Султонова рақсга тушади». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 12.25 Кимё. Кимёвий реакцияларнинг турлари. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Зор-интизор». Бадиий фильм («Грузия-фильм).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Локомотив» (Москва). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Д. Зокиров номидаги Ўзбекистон Давлат телерадиоси халқ чолғу оркестрининг концерти. 20.20 «Мокшадаги қўриқхона». Телефильм. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Асрлар оша...». Камолиддин Беҳзод. 21.25 Тижорат хабарлари. 21.30 «Ахборот». 21.50 «Куз лавҳалари». Телефильм. 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Бадиий-мусиқий кўрсатув. 24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УЗТВ II

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Жар ёқасида». Телефильм. 18.30 Касблар ҳақида суҳбат (рус). 19.00 Тошкент хабарлари. 19.10 «Меҳрибон одамлар орасида». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия).

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Мусиқий кўрсатув. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Бех аз санноъи олам деҳқон аст». Пахтакорлар учун кўрсатув. 23.10 «Ён дафтарча сири». Бадиий фильм.

МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «Тулки ва Бўри». Мультфильм. 8.15 «Бор бўл, мусиқа!». 8.55 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 10.55 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Вақт».

* * *

16.15 Қалмиқ АССР Давлат «Лола» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 17.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.30 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал. 19.25 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 13-серия. 20.30 «Вақт». 21.00 «Матбуот клуби» кўрсатуви. Танаффус пайтида — Коллаж. 23.05 «ТСН».

МТ II

8.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

8.15 «Адам ва Мариля». Ҳужжатли фильм. 8.35, 9.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 11-синф. Алгоритмлар плюс робот. 9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35, 11.35 Адабиёт. 7-синф. Н. В. Гоголь. «Тарас Бульба». 11.05 Вивлиофика. 1-кўрсатув.

* * *

12.05 «Касби — терговчи». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 13.10 СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти. 14.10 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ҳаёт чизиғи». 2-серия. 15.15 Бекинмачоқ». «Биз қандай дам олаяпмиз» туркумидан. 15.45 Сергей Есенин ватани қўшиқлари. 16.30 «Узоқ Шарқ». Киножурнал. 16.40 «Мис тоғ бекаси». Мультфильм. 17.00 Беларуссия ССЖ Давлат телерадиоси. «Виолончелист ҳаётидан» (Минск). 18.00 «Вақт». (сурдо таржимаси билан). 18.30 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 18.35 «Биз яшаётган олам». Режиссёр В. Трошкин фильмлари. «Ишсизлар» («ЮСДФ», «Юность» ижодий бирлашмаси). 19.25 Коллаж. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Кўргазмада». 19. 45 «50х50». Телешоу. 21. 15 СССР Олий Совети сессиясида. 22.15 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 23.15 «Касби — терговчи». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 00.20 «Хайрлаша туриб айтаман». В. Пономарева куйлайди.

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23581.